

Ушбу мақолани ўрганиш натижасига кўра, шаҳар прокуратураси томонидан қонунбузилишлар, уни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида Қарши шаҳар ҳокимлигига тақдимнома киритилди...

5 бет

Афсуски, бўлима ҳам боланинг шахсини аниқлаш имкони бўлмади. Шу билан бирга, унинг ўзини туттиши ҳам нотабиий бўлиб, на гапира олар ва на бирор гапни тушунар эди. Бу эса руҳий жиҳатдан носоғлом эканлигидан дарак беради.

10 бет

Нижоф

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-yil 15-dekabr, №50 (779)

Конституция — инсон манфаатлари ҳамда жамият ва давлат тараққиёти кафолатидир



Юртимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётган шу кунларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги улғу сана — мустақиллигимизнинг йигирма йиллик байрами кенг нишонланди. Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига эса ўн тўққиз йил тўлди.

Республикаимиз Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципал қондаларини ўзида муҳассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликларини давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шaroити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди" - деб қайд этилди.

Бугун мустақилликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Ўзбекистон эришган улкан муваффақиятларни жаҳондаги тараққий этган давлатлар ҳам эътироф этмоқдалар. Бу борада Юртбошимиз Ислам Абдуганиевич Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон халқи танлаган йўлнинг нақадар тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Мамлакатимиз тараққиёт йўли сифатида танланган "Ўзбек модели"нинг маънавий — иқтисодий таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойил-

ларига асосланди.

Давлатимиз раҳбарининг ислотлар ислотлар учун эмас, энг аввало инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётганини қайта-қайта таъкидлаши бежиз эмас. Зеро, ислотларнинг пировард мақсади фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, уларнинг мустақиллик медаларидан тўла баҳраманд бўлишларига қаратилгандир.

Ана шу муҳим ва стратегик мақсад сари мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ соҳаси тубдан ислот қилинди. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган миллий қонунлар яратишда, бунда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминлашига асосий эътибор қаратилди.

Миллий анъаналар, муқаддас қадриятлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзида муҳассам этган Конституциямиз ва қонунларимиз ишлаб чиқилди.

Муҳими, бу жараёнда шоша-шошарликка йўл қўйилмади ёки қайсидир давлатнинг қонунчилик механизми андоза қилиб олинмади. Мукаммал тарзда ишлаб чиқилган суд-ҳуқуқ тизимини ислот қилишнинг мутлақо янги концепцияси босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хар бир қонун ёки қонунли сўхужат устиди иш олиб боришда бу ҳуқуқий меъёرنинг ҳалқимиз ҳаётини яхшилаш учун қай даражада самара бериши мумкинлиги нуқтаи назардан ёндашилди.

Бу эса, албатта, ислот-

ларнинг узокни кўлаб, инсон манфаатларини уйлаб, чуқур мулоҳаза асосида замон билан ҳамнафас руҳда амалга оширилаётганидан далолатдир. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси тафаккури, фикрлаш тарзидаги ўзгаришлар янги жамият кишилари шаклланиб келаётганлигининг ёрқин ифодаси бўла олади.

Эндликда мустақил давлат фуқаросини мустақил тузум давридаги эркин, итоткор фуқарога таққослаб бўлмайди. Сиёсий ва ҳуқуқий тафаккури ўзгариб ва янгиланиб бораётган фуқароларимиз жамиятдаги туб ислотларга бефарқ эмас, аксинча, улар жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи фаол кучга айландилар. Қайси соҳадаги ислотларнинг боришини кузатмайлик, ҳақ-ҳуқуқини таниган, ўз тарихи, бугуни ва келажагини тасаввур қила олган фуқароларимиз улғу мақсад йўлида бирлашиб, қудратли яратувчи кучга айланиб бораётганига амин бўламиз.

Ислотлар жараёнида муҳим босқич ҳисобланган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиланган мамлакат тараққиётида алоҳида ўринга эга.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси билан боғлиқ бўлган бу тизимни ислот қилишига умумдавлат аҳамиятига молик, Ўзбек миллий моделининг тақдирини ҳал қилувчи асосий масалалардан бири сифатида қаралди ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янги ҳақда асосда яратишга жиддий киришилди.

Мазкур тизимни либераллаштириш борасида халқаро ҳуқуқ нормалари ҳар томонлама ва чуқур ўрганилди, бу соҳадаги етук олимлар, малакали ҳуқуқшунослар, назарий ва амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар жалб этилиб, уларнинг фикрлари таҳлил қилинди.

Албатта, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлаш ва таъминлаш ҳар қандай давлатнинг биринчи даражадаги вазифалари қаторига ки-
ради. Шу мақсадда ҳуқуқни

муҳофаза қилувчи ва назорат функцияларини амалга оширувчи барча органларнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари қайта кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришган дастлабки кунларданок миллий прокуратуранинг пайдо бўлиши ва шаклланишига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналишдаги биринчи инқилобий қадам — давлатимиз раҳбарининг прокуратура органларини иттифоқ марка-зига тобеликдан ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан 1990 йил 1 ноябрда Ўзбекистон ССРнинг "Ўзбекистон ССРда ижро ва бошқарув ҳокимияти тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий қонун)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунини ўзида акс эттирувчи дадил ва жасоратли сиёсий қарор қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат билан биринчи марта иттифоқ доирасида Ўзбекистон ССР прокурори ҳамда унинг ўринбосарлари, илгаригидек СССР Бош прокурори томонидан эмас, Республика Президентининг тақдимномасига биноан мамлакат парламенти томонидан тайинланди. Конституция билан мустаҳкамлаб берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси прокурорининг фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ва парламенти олдида ҳисобдорлиги ва жавобгарлиги белгиланди.

Президентимизнинг 1992 йил 8 январда-ги "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида"ги Фармонида "Иттифоқ қарамағидаги Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлан-тирилсин", деб белгилаб қўйилди. Тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йил 24 январда "Ўзбекистон Республикаси

прокуратураси органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги 33-сонли қарор қабул қилинди.

Давлатимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган Конституция-мизда қонун устуворлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа прокуратура идоралари зиммасига юклатилди. Конституциянинг XXIV боби прокуратура органларига бағишланиб, унинг 118-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширида", деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Ана шу нормалар асосида Конституциямиз қабул қилинган куннинг эртасига, яъни 1992 йилнинг 9 декабрь кунини "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун ҳам қабул қилинди, унда прокуратура идораларининг вазифа ва мақсадлари белгилаб берилди.

Энг асосийси, истиқлолнинг дастлабки йилларида-ноқ прокуратура органлари мустақил, ёш демократик давлатимизнинг суянчи ва таянчга айланди, деб ишонч билан айтишимиз мумкин. Прокуратура ислотлар билан теппа-тенг, баҳамжиҳат қадам ташлаган ҳолда, прокурорлик назорати ёрдамида қонунлар, Президент фармон ва қарорлар, Ҳукумат қарорларининг бажарилишига яқиндан ёрдам кўрсатиб, мамлакатда қонунийликни таъминлаш ишларига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўйди ва қўшиб кел-моқда.

Қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш борасида ишларнинг кўлами, миқ-ёси ва самардорлиги кейинги ўн йилликда нихоятда кенгайиб, янги босқичга кўта-рилди.

/Давоми 2-бетда/

Конституция – инсон манфаатлари ҳамда

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Жамият ҳаётидаги чуқур ўзгариш ва янгиланишлар, инсонлар онгида демократик кадриятларнинг мустақамланиб бориши, янгича ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланиши, биринчи навбатда, прокуратура тизимини жиддий ислох қилишни тақозо этди. Прокуратура органлари фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий асослар тақомиллаштирилиб, уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгаришлар киритилди. Бунда прокуратуранинг қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантиришга устувор аҳамият берилди.

Хусусан, Президентимизнинг ғоялари асосида ва бевосита раҳбарликлари остида 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Демократик ва инсонпарварлик тамойилларига мос равишда қонунга киритилган янги 12 та модда прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми ва тақомиллаштиришга олиб келди.

Айни вақтда, прокурор назорати объектилари қаторидан фуқароларнинг қонунларга риоя этишлари устидан назорат функцияси чиқарилди. Халқ орасидаги "прокуратура жиноий жавобгарликни таъбиб этувчи орган" ёки содда қилиб айтганда, "қораловчи идора" тушунчасига барҳам берилди.

Эндиликда прокурорларнинг асосий вазифаларидан бири — фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги белгиланди.

Шунингдек, назорат ҳужжатлари қаторидан прокурорнинг қонуни буюш ҳолларига чек қўйиш тўғрисида амрнома бериш ваколати чиқариб ташланди.

Бундан ташқари, суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи ҳам прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди. Туман прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг эса тергов ва айбланувчини қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор қилинди.

Прокуратура органларининг ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш борасидаги фаолиятига эътибор кучайди.

Қонунда прокуратура органлари ҳодимларининг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга қаратилган қатор янги нормалар ҳам ўз ифодасини топди. Қонунийликнинг ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъминлашиси прокурорлар фаолиятини баҳолаш мезони сифатида мустақамлаб қўйилди.

Умуман олганда, бу муҳим ҳужжат мамлакатимизда қонун устуворлигини қарор топтиришга, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Зеро, қонунга киритилган ўзгаришларнинг асосий қисми Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббусларидан, улар томонидан прокуратура органлари олдида қўйилаётган талаблардан келиб чиққан.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан бу соҳадаги фаолиятимизга қўшимча вазифалар қўйилди.

Ушбу фармон билан прокуратура органларининг қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислох қилишга қаратилган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг оғишмал ижро этилишини таъминлаш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти кучайтирилди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун прокуратура тузилмаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил қилинди. Прокуратуранинг таркибий тузилмасида жиддий ўзгаришлар бўлди, янги бошқарма ва бўлимлар тузилди.

Бундай янгиланган асосида прокуратура органларида ишларни ташкил этиш, қуйи органлар устидан раҳбарлик қилиш, фаолиятини тақомиллаштириш, ижро интизомини мустақамлаш ҳамда ҳисоботларни юритиш тартибига оид буйруқ ва кўрсатмаларни ягона тизимга солиш зарурияти юзага келди.

Шу мақсадда Республика Бош прокурорининг прокуратура органларида ишларни ташкил қилишга доир янги соҳавий буйруқлари, таркибий тармоқларнинг вазифалари ва ваколатларига доир низоми, муайян йўналишлардаги ишларни тартибга солувчи йўриқномалар ва кўрсатмалари ишлаб чиқилди.

2002 йил 27 январда ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг референдуми натижасига кўра, Ўзбекистон Республикасида бутун дунёда энг кўп тарқалган ва самарали ҳисобланган парламент фаолияти шакли — икки палатали парламент: Сенат ва Қонунийлик палатасига ўтилди.

Ўтказилган плебисцит (референдум) қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунийлик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонунлари қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

Бу ислохотлар натижасида прокуратура органлари фаолиятида ҳам tub ўзгаришлар юз берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Сенатининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунлари прокуратура органларининг Ўзбекистон Республикасининг Сенати ва Қонунийлик палатаси билан ўзаро муносабатлари механизмидан, шунингдек, Бош прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Олий Мажлис олдидаги ҳисобдорлигини белгилаб берди.

2005 йилдан бошлаб мазкур конституциявий норма асосида ҳар йили Олий Мажлис Сенатида прокуратура органлари фаолияти юзасидан Бош прокурорнинг ҳисоботи эшитиб келинмоқда.

Бу даврлардаги фаолиятимиз таҳлили шуни кўрсатдики, республикада қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш борасида бир мунча ишлар амалга оширилган.

Масалан, жиноятчиликка қарши

кураш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирлар натижасида умумий жиноятларнинг кескин ўсиб кетишига йўл қўйилмади.

Айни вақтда, оғир ва ўта оғир турдаги, шу жумладан, қасддан одам ўлдириш жиноятларининг камайишига эришилди. Шу каби, вояга етмаганларнинг жинояти, рецидив ҳамда маст ҳолда содир этилган жиноятлар камайди.

Тергов ҳаракатлари устидан назорат кучайтирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган қонунларга қатъий риоя қилинишини таъминлашга ва терговнинг сифатини яхшилашга эришилди.

Айниқса, мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган коррупция кўринишларини фож этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу йилларда турли суиистеъмолчиликлар, порахўрлик, ўзлаштириш, совуққонлик ва бошқа жиноий ҳаракатлар содир қилган 39 минг нафар мансабдорлар жиноий жавобгарликка тортилди. Улар томонидан етказилган моддий зарарнинг 1 трлн. сўми тергов жараёнида қопланди.

Жумладан, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, давлат ва унинг муҳофаза қилинишига қарийб 25 млрд. сўм зарар етказганлиги учун собиқ Мудофаа вазири К.Ғуломовнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

"Тяньши инвест" масъулияти чекланган жамияти раҳбарлари Хитой фуқаролари Жун ва Жинпинглар бошчилигидаги жиноий уюшма томонидан Хитойда ишлаб чиқарилган, сифат сертификати бўлмаган 29,5 млн. АҚШ долларлик биологик қўшимчалар ва бошқа дори-дармон воситалари фуқароларни алдаб, тармоқли маркетинг орқали сотилган. Сотувдан тушган пуллар банкка топширилмасдан, 17 млн. АҚШ доллари ноқонуний йўллар билан республикадан олиб чиқиб кетилган. Ушбу жиноят оқибатида давлатга етказилган 6,5 млрд. сўмлик зарар тўлиқ ундирилди, жазонинг муқарарлиги таъминланди.

Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдорларнинг 3498 нафари ҳокимлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда масъул лавозимларда ишлаган.

Масалан, Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарган А.Баҳрамов бошчилигидаги жиноий уюшма аъзоларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича А.Баҳрамов 15 йилга озодликдан маҳрум қилинди, жиноий уюшманинг яна 132 нафар аъзолари жавобгарликка тортилдилар. Мазкур жиноий уюшма томонидан содир этилган жиноятлар оқибатида етказилган зарардан 60 млрд. сўм, 1,5 млн. АҚШ доллари ва 462 минг евро айбдорлардан ундирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги масъул мансабдор шахслари, 31 та қонценр ва 11 та бошқармага бирлашган 321 та қорхонани ўз ичига олган "Karavan Holding" концернлар ассоциацияси раҳбари Д.Лим ва унинг раҳбарлигидаги жиноий уюшма аъзолари томонидан содир этилган жиноятлар бўйича тергов ҳаракатлари ўтказилди. Тергов жараёнида давлат манфаатларига 201,9 млрд. сўм зарар етказилганлиги, жиноий фаолиятдан олинган 107 млрд. сўм даромад легаллаштирилганлиги, 1 млн. АҚШ долларида ортиқ валюта аширилганлиги, мансабдор шахслар томонидан 1,3 млрд. сўм ва 121,9 минг АҚШ доллари миқдорда пора олинганлиги аниқланиб, давлатга етказилган зарар тўлиқ ундирилди. Мазкур жиноят иши бўйича 196 нафар шахслар

жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, бу йилларда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашга эътибор янада кучайтирилди.

2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида содир этилган террористик ҳаракатлар бўйича ўтказилган тергов ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали сизларни хабардор қилиб борган эдик.

Айтиш керак, мазкур жиноят иши бўйича ўтказилган 2827 та ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, 557 та тинтув, 326 та кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари давомида 9486 та ашёвий ва ёзма далиллар олинди, улар юзасидан 3217 та турли хил судга оид экспертизалар тайинланди.

Тергов натижалари бўйича террористик ҳаракатларга алоқадор бўлган 362 нафар шахслар судга берилиб, улар турли муҳлатларга озодликдан маҳрум қилинди.

Шу билан бирга, Бош прокуратурада Европа Иттифоқи экспертизали делегацияси 2 мартда (2006 йил 11-16 декабрь ва 2007 йил 1-4 апрель кунлари) қабул қилиниб, мазкур жиноят ишининг тергов ва судда қўрилиши натижалари муҳокама қилинганлиги тўғрисида ҳам муқаддам ахборот воситалари орқали хабар қилинган.

Шулар қаторида, 2009 йил 26 май кунин Андижон ва Хонобод шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари, шунингдек, 2009 йилнинг июль-сентябрь ойларида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида диний уламоалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимларига нисбатан қилинган шундай ҳолатлар бўйича ҳам сифатли тергов ҳаракатлари ўтказилиши таъминланди.

Қонунлар ижроси устидан ўтказилган текширишлар йилдан-йилга камайтирилди. Лекин, текширишлар самараси оширилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари бўйича жами 1 млн. 920 мингта прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Мансабдор шахсларнинг 835 минг нафари интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Етказилган зарарнинг 45 млрд. сўми ихтиёрий ундирилди.

Умуман, прокурор текширишлари ва жиноят ишлари тергови давомида жами етказилган зарардан 1 трлн. 479 млрд. сўмининг ундирилиши таъминланди.

Бошқа соҳаларда ҳам прокурор назоратини кучайтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунийлик палатасига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиш ваколатидан ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда.

Жумладан, ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунийлик палатасига 31 та масала юзасидан қонун лойиҳалари тақдим этилиб, уларнинг 30 таси Сенат томонидан маъқулланди, 1 та қонун лойиҳаси эса ҳозирда Қонунийлик палатасида қўриб чиқилмоқда.

Масалан, 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури асосида вояга етмаганларнинг fairyириктимий хатти-ҳаракатларининг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида "Вояга

ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ТАРАҚҚИЁТИ КАРОЛАТИДИР

етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2010 йилнинг 29 сентябрида қабул қилинди.

Мазкур қонунда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизими идораларининг асосий вазифалари, фаолият принциплари ва йўналишлари ҳамда ваколатлари, шунингдек болаларнинг ғайриҳужимой ҳуқ-қатворини эрта аниқлаш ва бар-тараф этиш борасидаги уларнинг масъулиятини оширишга қаратилган тартиб ва қоидалар белгиланди.

Эки, болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий кадриятлар ва аъёналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги тадбирлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида парламент муҳо-камасига киритилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавоб-гарлик тўғрисидаги кодексига қў-шимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун 2010 йил 17 май куни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан Маъмурий жа-вобгарлик тўғрисидаги кодекс 188-2-модда билан тўлдирилиб, кўнгил очиш жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахсининг тунги вақт-да ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахсининг кузатуви-сиз муассасаларда бўлишига йўл қўйганлик учун маъмурий жавобгар-лик белгиланди.

Ушбу қонун ижросини таъминлаш юзасидан жойларда прокурорлар то-монидан ҳокимликлар, солиқ, ички ишлар ҳамда бошқа муассасида идораларнинг масъул ходимлари ва тад-биркорлик субъектлари раҳбарлари иш-тирокида йиғилишлар ўтказилиб, уларга ушбу қонуннинг мазмун-моҳи-яти тушунтирилди, вояга етмаган-ларнинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахсининг кузатуви-сиз кўнгил очиш жойларига бўлишларига йўл қўймас-лик юзасидан зарур чоралар кўрили-ш лозимлиги ҳақида кўрсатмалар берилди.

Ўтган даврда дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайти-риш, мазкур соҳада суд фаолияти-ни либераллаштириш бўйича амал-га оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар жараёнида муҳим қадам 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифати-да қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокурордан судга ўтқа-зилиши бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муно-сабати билан Ўзбекистон Республи-касининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қучга киргани-га ҳам уч йилдан ортқ вақт ўтди.

Уни амалиётда қўллашнинг даст-лабки натижалари давлатимиз раҳ-барининг қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтқази-лиши лозимлиги ҳақидаги қояларин-нинг нақадар тўғрилигини тасдиқла-моқда.

Хусусан, ўтган даврда прокурор-лар томонидан судларга айланувчи-лар ва гумон қилинувчиларга нисба-тан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида 64,5 минг-та илтимосномалар киритилган. Ушбу илтимосномаларнинг 64 минг-таси судлар томонидан қаноатлан-тирилган, 534 таси эса рад этилган.

Судлар томонидан мазкур илти-мосномаларнинг рад этилиши, шун-ингдек, баъзи ҳолатларда судлар-нинг асосий ахирларининг бекор қилиниши ҳоллари янги қонун нор-малари самарадорлигининг тўғри-дан-тўғри далилидир. Бу ҳолатлар

қандайдир фавқулодда ҳодиса сифа-тида эмас, балки ҳақиқий демокра-тик давлатда мавжуд бўлиши керак бўлган оддий ҳол сифатида баҳола-ниши лозим.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишнинг пи-ровард мақсади ҳам шахсининг Кон-ституцияда белгиланган эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқларини чеклаш бо-расида айнан ҳолислик ва бегараз-лиқни таъминлашдан иборатдир.

Шундан буён, оддий гап билан ай-тганда, шахсини қамоққа олиш маса-ласининг ҳал қилиниши текшириш-нинг уч босқичидан ўтади. Дастлаб прокурор терговчининг айбланувчи-ни қамоққа олиш лозимлиги ҳақида-ги фикрини қонунийлиги ва асос-лиги жиҳатидан текшириб, унга қўшилган тақдирда судга тегишли илтимосномани киритади. Шу бос-қичнинг ўзидаёқ бир қатор шахслар-га нисбатан озодлиқни чеклаш бил-лан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин.

Шундан сўнг туман (шаҳар) суди унга илтимоснома билан тақдим қилинган материалларни шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асос-лар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида ўрганиб, про-курорнинг илтимосномасини қаноат-лантириш ёки уни рад этиш хусуси-да қарор қабул қилади.

Ўз навбатида, апелляция инстан-цияси суди, апелляция шикоят ёки протест келтирилган тақдирда, суд-нинг қарорига тегишли баҳо бера-ди ва уни ўз қучида қолдириш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ислохотларнинг барча йўналиш-ида қонунлар ижросини назорат қилиш ва баҳарлиқлини таъмин-лашда прокуратура органлари зим-масига бошқа масъулиятли вазифа-лар ҳам қўйиб келинмоқда.

Шу жумладан, Вазирлар Маҳма-сининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли қарори билан тузилган Ҳукумат ҳузуридаги Вояга етмаган-лар ишлари бўйича комиссияга Рес-публика Бош прокурори раис этиб тасдиқланди. Ушбу комиссияга во-яга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томони-дан ҳуқуқбузарликлар содир этили-шининг олдини олиш, бу йўналишда масъул бўлган давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комис-сиялар фаолиятини мувофиқлашти-риш ва янада тақомиллаштириш ва-зифалари юклатилди. Бу йўналиш-да бевосита прокуратура органлари-нинг ташаббуси билан жойларда кенг қамровли ва самарали ишлар қилинмоқда.

2008 йилнинг 17 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси-нинг "Одам савдосига қарши кура-шиш тўғрисида"ги Қонуни ижроси-ни таъминлаш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 2008 йил 8 июлдаги 911-сонли қарори билан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссия-си ҳамда ҳудудий комиссиялар то-монидан одам савдоси ҳолатлари-нинг олдини олиш, аниқлаш ва улар-га чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш ва одам савдоси-дан жабрланганларга ёрдам кўрса-тишга қаратилган бир қатор ташки-лий ва профилактик тадбирлар ўтқа-зилди.

Авваламбор, аҳолининг бандлиги даражасини ошириш борасида чора-лар кўриломоқда. Бунда республика-да янги иш ўринлари яратиш, тад-биркорлиқни янада ривожлантириш ва қўлаб-қувватлаш масалаларига

устувор аҳамият берилмоқда.

Шу билан бирга, бўш иш ўринла-рига эга корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар иштирокида бутун рес-публика бўйлаб меҳнат ярмаркала-ри ташкил қилинмоқда. Бундан таш-қари, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланилган ҳолда турли учрашувлар, семинар-лар, давра суҳбатлари ташкил қили-ниб, мунтазам равишда тушунтириш тадбирлари ўтказилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-ларнинг одам савдосига қарши ку-рашиш масалаларида маҳаллий дав-лат ҳокимияти органлари, тиббий ва таълим муассасалари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва кенг жа-моатчилик билан ақиндан ҳамкорли-ги таъминланмоқда. Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Респу-блика реабилитация маркази ташкил этилди ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижа-сида дастлабки йилларда одам сав-доси билан боғлиқ жиноятлар кўпроқ фаш этилди. Агар 2007 йилда жами 382 та бундай ҳолатлар аниқланган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич де-ярли 2,5 бараварга ошиб, 891 та жи-ноятни ташкил этган. Бу тенденция 2009 йилда ҳам давом этиб, аниқлан-ган жиноятлар сони 1291 тага етди.

Кўрилатган чоралар кейинги йилларда аҳолининг одам савдоси ҳолатидан хабардорлиги ўсиб бора-ётганили билан биргаликда фука-роларнинг "қулликка" тушиб қолиш ҳолатларининг кескин камайишига олиб келди.

Бундай жиноятларнинг 2010 йил-да 43 фоизга, жорий йилнинг ўтган 11 ойида эса 18 фоизга сезиларли даражада камайганлиги шундан да-лолат беради.

Давлатимиз раҳбари томонидан амалга ошираётган ишларимизга баҳо берилиб, иқтисодиёт ва солиққа оид жиноятларга қарши курашиш са-марадорлигини ошириш, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш каби масъулиятли вазифа ҳам прокуратура органлари зимма-сига топширилди.

Дарҳақиқат, Вазирлар Маҳма-сининг 2001 йил 6 июлдаги "Иқтисо-диёт ва солиқ соҳасидаги жиноят-ларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан Бош прокуратура ҳузу-рида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти таш-кил этилди.

Прокуратура, шу жумладан, депар-тамент органлари томонидан юклат-илган масъулиятли вазифаларни тўлиқ баҳарли, солиқларни ва бюд-жетга бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бош тортиш ҳолларини аниқлаш, солиққа оид жиноятлар ва қонунбузилишларнинг олдини олиш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш ҳамда давлатга етқа-зилган моддий зарарни ундириш чо-ралари кўрилди.

Амалга оширилган эътиборли иш-лар департамент органлари зимма-сига янада масъулиятли вазифалар-ни қўйиш учун замин яратди.

Вазирлар Маҳмадаси томонидан 2002 йил 28 ноябрда "Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятлар-га қарши курашиш департаменти фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 415-сон-ли қарорнинг қабул қилиниши бу-нинг тасдиғи бўлди, дейиш мумкин.

Чунки, Ҳукумат қарорида депар-тамент функцияларига қўшимча ра-вишда валюта соҳасидаги қонунбу-зилишларни аниқлаш, уларни бар-тараф этиш, олдини олиш ва про-

филактика қилиш вазифалари юклат-илди.

2006 йилнинг 21 апрель куни Пре-зидент қарори билан департамент-га яна бир ўта масъулиятли вазифа, яъни жиноят орқали топилган даромаднинг легаллаштириш каби мамлакат иқтисодида жиддий зарар етказадиган жиноятларга қарши ку-раш вазифаси юклатилди. Шу сабаб-ли департамент тизимларига тегиш-ли ўзгаришлар киритилди.

Айтиш жоизки, бу тармоқнинг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчи-ликнинг олдини олиш, солиқ ва бош-қа тўловларнинг давлат бюджетига тўлиқ туширилишини таъминлашга қаратилган тадбирларда хизмати катта бўлмоқда.

Департамент органлари томони-дан ташкил этилгандан буён ўтган ўн йил давомида 1 трлн. 370 млрд. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, 532 млрд. сўмининг ундирилиши таъминланган.

Валютага оид ҳуқуқбузарликларни фаш этиш борасида ўтказилган тад-бирлар натижасида ноқонуний муо-малага киритилган 5,5 млн. АҚШ дол-лар, 7 млн. Россия рубли, 16 млн. Қозғистон тенгеси ва бошқа валю-та қимматликлари олинди.

Умуман олганда, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фу-қароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоялаш, суд-ҳуқуқ ислохотларидан қўзланган мақсадларнинг амалга оширилишига эришиш бўйича про-куратура органлари томонидан чора-тадбирлар мунтазам равишда амал-га ошириб келинмоқда. Фаолияти-мизда асосий эътибор Конституция нормалари ҳамда қонунларнинг аниқ ва бир хилда баҳарлилиги устидан самарали назоратни таъминлашга қаратилгандир.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳозир-ги босқичида давлатимиз раҳбари Ислам Абдуганиевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги "Мамлакатимизда демократик исло-хотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-риш концепцияси" мавзусида қилган маърузаси муҳим аҳамият касб эт-моқда. Чунки, мазкур Концепциянинг қабул қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлди.

Концепцияга биноан, суднинг яна-да мустақиллигини таъминлаш, қонунчиликка судга қадар бўлган иш юритиш босқичида суд назоратини мустаҳкамлашга қаратилган тегишли ўзгаришлар киритиш бўйича ишлар давом этирилмоқда. Ҳуқуқни муҳо-фаза қилиш ва назорат органлари тизимида уларнинг фаолиятида қонун-ийлик ва қонун устуворлигини таъ-минлайдиган ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самара-ли ташкилий-ҳуқуқий механизмининг яратиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича бошқа қатор чора-тадбирлар амалга оши-рилмоқда. Албатта, бу ислохотлар-нинг негизига Конституциямиз бел-гилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар муҳассамдир.

Яқиний сўз ўрнида шунини таъкид-лаш керакки, Ўртбошимиз таъкид-лаганларидек, "Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоида-лар асосида мамлакатимизда тўла-қонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратил-ди". Бир сўз билан айтганда Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қўриб берди.

Ижобий самара бермоқда

Бугунги кунда «иш биланга минг танга» нақм ўз тасдиғини топиб турибди. Ишнинг кўзини билган юртошларимиз истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланмоқдалар. Бундайларга ҳамма мадакор, хайрихоҳ. Уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда эса прокуратура органлари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Шу маънода, Олтинқул туман прокуратураси томонидан ҳам Президентимиз ва ҳукуматимизнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш юзасидан қабул қилинган Фармон ва қарорлари ижроси юзасидан қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, туман прокуратураси томонидан туман Маданият саройи биноси ҳамда барча ҳудудий ҚФЙ ва МФЙларда ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини банк, ДСИ вакиллари, савдо-сановат палатаси, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси, газ, электр тармоқлари корхоналари, туман ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати раҳбар-ҳодимлари, шунингдек, соҳага оид бошқа қатор муассаса ва идоралар ҳодимлари билан тадбиркорлар, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар ўртасида очик мулоқотлар ташкил этилган.

Ўтказилган бундай учрашувлар натижасида 21 та ер ва кредит ажратиш билан боғлиқ аризалар олинди, уларнинг барчаси ҳал этиш учун тегишли идора мутасаддиларига ҳавола этилди. 10

нафар тадбиркорнинг кредит олиш бўйича талаблари қондирилди. Жумладан, ОАТБ "Микрокредитбанк" Олтинқул филиали томонидан 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркор М.Қаюмовга қосиб-чилик ишини ташкил қилиш учун 2 млн. 400 минг сўм, "Бетақор" гўзаллик" хусусий корхонасига қандолат тайёрловчи дастгоҳ сотиб олиш учун 19 млн. 900 минг сўм, мебель ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун "Беҳзодбек келажак умиди" хусусий корхонасига 15 млн. сўм, савдо ривожини учун "Фарход" хусусий савдо дўконига 10 млн. сўм, "Меҳнат — бахт имкони" фермер ҳўжалигига савдо дўкони куриш учун 20 млн. сўм, маҳаллий тадбиркор Д.Ақбаровга чорвачиликни ташкил этиш учун 2 млн. сўм, "Тафаккур умид юлдузи" хусусий корхонасига савдо ривожини учун 20 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, 6 нафар тадбиркорга савдо дўкони куриш учун 1,27 га. ер майдони ажратиб берилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган 352 нафар фуқарога ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Соҳа ривожига тўсиқ бўлиб

Ойбек ОМОНОВ,
Олтинқул туман прокурори
Иқромжон МАНСУРОВ,
журналист

турган муаммоларни бартараф этиш борасида ҳам яқдиллик билан иш олиб боришмоқда. Туман прокуратурасида ўрнатилган ишонч телефонига "Абдумутал-лаззат" хусусий корхонаси раҳбари А.Умрзақов туман электр тармоқлари корхонасининг абонентларга хизмат кўрсатиш бўлими муҳандиси Ш.Аскаронинг хизмат мавқеини суиистеъмол қилаётгани хусусида мурожаат қилган. Маълум бўлишича, Ш.Аскарон тадбиркордан электр энергияси истеъмолига доир ҳужжатларни расмийлаштириб бериш учун 2010 йилнинг ноябрь ойида 100, декабрь ойида 200 АҚШ долларини пора тариқасида олиб, "Ўздав-нергоназорат" инспекцияси эксплуатация қилишга рухсати ва шартномасини расмийлаштиришдан, тадбиркорга сохта қиватция ёзиб берган ва 2011 йил январь-апрель ойларида жами 1 млн. 260 минг сўмлик электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишга ва электр учун 752 минг сўм асосиз равишда тўла-нишига сабаб бўлган. Туман прокуратураси томонидан бу ҳол ўрганиб чиқилди ва Ш.Аскаронга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бозор муносабатлари шаронтида мамлакатнинг макроиқтисодий ривожланишини эркинлаштириш, соғлом молиявий муҳитни барқарорлаштириш, қолаверса, пул эмиссияси, инфляция жараёни бугун фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари, ҳар бир солиқ тўловчинининг солиқ ва мажбурий тўловларини ўз вақтида тўлаб беришига бевоқифа боғлиқ.

Яширин фаолият фош этилди

Нодир ПУЛЛОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Когон шаҳар бўлими бошлиғи

Аммо, давлат ва жамият манфаатларини унутиб, мўмай даромад топиш илнжидида яширин фаолият юритаётган, хуфийна иқтисодиёт илдизига "сув қуюётган", солиқ тўловларидан бўйин товлайтган сохта ишбилармонлар бу ҳаётини ҳақиқатни ҳам, қонун талабини ҳам четлаб ўтишга уринмоқдалар.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Когон шаҳар бўлими ҳодимлари томонидан яширин фаолият билан шуғулланувчи фуқароларни аниқлаш ва уларнинг ноқонуний ҳаракатларини бартараф этиш мақсадида ўтказилган тадбирда ана шундай қонунбузарлар аниқланди.

Чунончи, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи "Прадо плюс Карола" МЧЖ раҳбарлари 2009-2010 йиллар давомида 15 млн. 456 минг сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлашни хотирларидан фаромуш қилганлари ўта ачинарли ҳолдир.

Когон шаҳар Маҳмуд Таробий кўчасида истиқомат қилувчи Неъмат Хотамов яхши ниятлар билан тадбиркор сифатида иш бошлаган бўлиши турган гап. Бироқ, фойда қўламини кенгайтириш сайин, "тадбиркор"нинг ҳам ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари кўпая бошлади. "Мардон ўғли Неъмат" номли ишлаб чиқариш корхонасига қарашли гипс ишлаб чиқариш цехини ташкил қилиб, мўмай даромад пайига тушган Н.Хотамов, цехда ўрнатилган қўшимча жиҳозларни ўзбосишмалчи билан табиий газ тармоғига улаб қўйди. Қўйбола усулда тайёрланган газ пуркагич (фарсунка)дан бемалол фойдаланса-да, "Фарбгазтаъминот" унитар корхонасидан рухсатнома олишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Унинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари натижасида газ идорасига 5 млн. 197 минг сўмлик зарар етказилди.

Қонуннинг кўзи ўткир. Ундан ҳатто "яширин фаолият"ни ҳам яшириб бўлмайди. Буни қонун талабига панжа орасидан қараб, оқибатда жиноятчи деган тамгани орттирганлар жуда яхши билишади. Ҳар иккала ҳолат юзасидан қонун талаблари доирасида жиноят иши қўзғатилган. Бинобарин, ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларга мурасасиз курашиш қонуннинг бош тамойилидир.

Иқтисодиётимизнинг ривожланишида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ўз ўрни бор. Уларнинг қонуний ва самарали меҳнатлари туфайли бозорларимиз турли туман маҳсулотлар билан қунаан-қунага тўлиб бормоқда. Шу боис тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида Президентимиз Исроҳ Каримовнинг ташаббуси билан Фармон ва қарорлар қабул қилини, тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон стандартларига мос ҳуқуқий асослари яратилди. Бироқ, фуқароларимиз орасида қонуний четлаб, назорат қилинмаган даромад ортқан бойиб кетиш режасини тузган сохта тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

Ноқонуний даромад...

Фахриддин ТОДЖИДИНОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Шаҳрихон туман бўлими инспектори

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаментининг Андижон вилоят бошқармаси ҳодимлари томонидан бу каби «оғи ердан узилган», кингир йўллар билан даромад кўриш мақсадини қўлаб, қонунларимизни бузаётган сохта тадбиркорларни фош этиш борасида сезиларли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Худди шундай "тадбиркорлик"нинг бошини тутган Турсунбой Маматалиевдир. У муқаддас содир этган жиний қилишми учун суднинг ажримига мувофиқ амнистия тўғрисидаги қарорга асосан жазодан озод қилинган бўлса-да, бундан ўзига тегишли ҳулоса чиқармаган экан.

Бошқарманинг Шаҳрихон туман бўлими ҳодимлари томонидан олинган маълумотларга асосан ўтказилган тезкор тадбир натижасида Т.Маматалиев Кўргонтепа тумани "Бирлашган" қишлоғи ҳудудида харидорга 2500 қути Қирғизистон Республикасида ишлаб чиқарилган ва шу давлатнинг акция маркалари билан елимланган тамаки маҳсулотларининг ҳар бир қути-сини 860 сўмдан баҳолаган ҳолда 2,1 млн. сўмга сотаётган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди. Ушбу ҳолат бўйича Т.Маматалиевга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишининг суриштирув ва дастлабки тергов давомида Т.Маматалиевнинг айби инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исботланиб, суд муҳокамасига юборилди. Т.Маматалиевга нисбатан 2 йил муддатга ахлоқ тўзатиш ишлари жазоси тайинланди, ашёвий далил сифатида олинган тамаки маҳсулотларини эса белгиланган тартибда йўқ қилиш кўрсатиб ўтилди.

Фаровонлик ва ободлик

Халқимизда "Ер ҳайласанг қуз ҳайла, қуз ҳайламанг юз ҳайла", деган мақол кўп бора тилга олинади. Келгуси йил ҳосилининг барақали бўлишида шугорниқ аҳамияти катта. Бунини яхши тушушган деҳқонлар, тракторчилар ва механизаторлар енг шимарганча ерни шугорлашга киришадилар.

Президентимизнинг жорий йил 7 октябрдаги "2012 йил ҳосили учун шугорлаш ишларини ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эълон қилинган, Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан унинг ижроси юзасидан назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Шунингдек, Самарқанд вилоят ҳокими томонидан 2011 йил 10 октябрь кунини қарор қабул қилиниб, унда келгуси йил ҳосили учун жами 90700 гектар ер майдонида шугорлаш ишларини ўтказиш жадвали ишлаб чиқилди. Шугорлашнинг ҳажм ва муддатлари ҳам белгиланиб, шугорлаш ишлари сифати ва ўз вақтида ўтказилишини амалга ошириш мақсадида ҳудудий комиссиялар тўзилди.

Келгуси йил ҳосили учун шугорлаш ишларига 536 та турли хил ҳайдов тракторлари жалб қилинган бўлса-да, бироқ шугорлашни уюшқоқлик билан ўтказиш учун ёқилғи мойлаш материалларининг зарур захирасини яратиш ҳамда уларни шугорлашда иштирок этувчиларга белгиланган тартибда етказиб беришда қатор қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Самарқанд туманидаги "Гулистон" ММТП ва "Кулиев Исрофил" номли фермер ҳўжалиғи ўртасида тузилган шартномага кўра, ММТП томонидан фермер ҳўжалигининг 3,6 гектар ер майдони шугорланган бўлиб, шундан 0,25 гектарининг агротехник қоидаларига зид равишда сифатсиз шугорланиши натижасида фермер ҳўжалигига жиддий зарар ет-

бугунги сифатли ва самарали меҳнатдан бошланади

Ғайрат ҲАМРОКУЛОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори

казилган. Ер майдонлари қайта шугорланиб, етказилган зарар ҳайдов тракторининг механизатори Г.Мелиевдан ихтиёрий равишда ундирилди.

Шунингдек, Пахтачи туманидаги "Жаҳонгирнинг пахта даласи" фермер ҳўжалигига тегишли 6 гектар ер майдонига ўзига тегишли ҳайдов трактори билан ишлов берган фермер ҳўжалиғи механизатори Мақсудов майдоннинг 0,11 гектарини 20 см. чуқурликда сифатсиз шугор қилгани боис, ер майдони қайта шугорланди. Етказилган зарар механизатордан ундирилди.

Пайкрий туманидаги "Агротехсервис" МЧЖ Қўшработ туман бўлими бошлиғи Ж.Дўсмутов бўлса, жамиятга тегишли "Магнум" русумли ҳайдов тракторини мавсумдан олдин техник қўриқдан ўтказмай, носоз ҳайдов тракторини шугорлаш ишларига қириб юборган.

Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган мониторинглар натижасига кўра, 198 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймайлик хусусида расман огоҳлан-тирилди. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида 6 та тақдим-нома киритилди. 9 нафар шахс моддий, 23 нафари маъмурий ва 27 нафари эса интизомий жавобгарликка тортилди. 832,6 минг сўм етказилган зарар ихтиёрий равишда ундирилди.

Ҳуқуқ тарғиботи йўлида

Бугун мустақил ватанимизда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимидаги изчил ислохотларни кенг жамоатчиликка етказиш, айниқса, ёш авлодни ана шу жараёнлардан мунтазам хабардор этиб бориш мақсадида барча давлат ташкилотлари ҳамда органлари томонидан қатор тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг 12, 14 декабрь кунлари Бош прокуратуранинг мажлислар залида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Юриспруденция" йўналиши бўйича таълим олаётган юқори курс талабалари ҳамда Тошкент Давлат юридик институти магистратура тинловчилари иштирокида "Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқ-тартибот-

ни мустаҳкамлаш ҳамда прокуратура органлари фаолияти" мавзусида ўтказилган давра суҳбатлари ҳам ана шу мақсадларга қаратилди.

Бош прокуратура бошқарма ва бўлим бошлиқлари иштирок этган давра суҳбатлари прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда прокуратуранинг фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ривожланган хорижий давлатлар билан халқаро ҳамкорлиги, прокуратура органларининг коррупция жиноятларида қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштиришдаги ўрни каби мавзулар доирасида ўтказилди.

Тадбирларни ўтказишдан кўзланган мақсадлардан яна бири, иштирокчи ёшларни прокуратура органлари тизими ва фаолият-

тининг асосий йўналишлари, суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида прокуратура фаолиятини таъминлаштиришга доир амалга оширилётган вазифалар ҳақидаги назарий ва амалий билимларини оширишга қаратилгандир.

Давра суҳбатларида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоблар олдилар.

Тадбирлар давомида талабаларга мамлакатимиз давлатчилиги ва ҳуқуқи, шу билан бирга, прокуратура тизимининг тарихига оид маълумотлар бериш мақсадида Бош прокуратура ҳузурида ташкил этилган музей фаолияти билан ақидан таништирилди.

Ўйлаймизки, бу каби тадбирлар талаба ёшларнинг билимларини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутadi.

Ўз муҳбиримиз

Мустаҳкам оила — жамият таянчи

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали мажлисада Президентимиз Исом Каримовнинг 2012 йили "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиши айни мудао бўлди.

Муҳаммадхон МАҲМУДОВ,
меҳнат файхисис

Мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Марғилон шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДБ) бўлимида маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежларида давра суҳбатлари, баҳс-мунозара ва семинарлар, ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Шунингдек, ўқувчи ёшлар ва ёш оила қурувчилар

иштирокида "Ёш оила қурувчилар мактаби" ва "Оила дорилфунуни" ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Инсоннинг камол топиши, ҳалоллик, эзгулик ва меҳрибонлик ҳақидаги тушунчалар, катталарга ҳурмат туйғуси, аввало, оилда пайдо бўлади. Инсоннинг дунёқараши миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида айнан оила муҳитида шаклланади.

Республикамизда соғлом оилани шакллантириш, муқддас даргоҳ — оилда юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилалар мустаҳкамлигини ва манфаатларини таъминлаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Фарзандлар камоли — юрт истиқболи

Жамиятимиз ўз олдига қўйган олий мақсад — келажаги буюк Ўзбекистонни, озод, обод Ватанини яратиш ва олиб борилаётган ислохотларнинг тақдир бугун шаклланаётган авлоднинг дунёқарашига, замонавий илм-фан ва касбларни эгаллашга, амалий ташкилотчиликка бевосита боғлиқ. Шу боис ақдан етук, руҳан тетик ва соғлом, эркин ва танқидий фикрловчи, айни пайтда ижтимоий масъулиятни тўғри ҳис этадиган, муайян касб-ҳунарни эгаллаган баркамол авлоднинг тарбиялаш Ўзбекистонда янги жамият барпо этишнинг тарғибий қисмига, асосий шарт-шароитига ва мақсадига айланди.

Истиқлол йилларида юртимизда баркамол авлоднинг тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Вояга етмаганлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий базанинг яратилгани, самарали ижтимоий ҳимоя тизимининг жорий этилгани, замонавий таълим муассасаларининг барпо этилаётганлиги, вояга етмаганлар ҳамда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги ушбу сиёсатнинг аққол ифодасидир.

Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамоллигида вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол авлод этиб тарбиялашнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди ва бу борада тўб ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, соҳага доир қонунчилик асосларини яратиш ва таъминлаштириш бо-

риш; зарурий институционал тузилмаларни ташкил этиш, шакллантириш; таълим сифатини ошириш; ёш авлодни маънавиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш; вояга етмаганлар соғлигини сақлаш ва соғлом авлоднинг тарбиялаш; ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган вояга етмаганларни давлат томонидан моддий маънавий қўллаб-қувватлаш; вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилигининг олдини олиш; баркамол авлод тарбияси йўлида мақбул ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитни яратиш, бор куч ва имкониятни шу мақсад йўлида сафарбар этиш борасида улкан ишлар қилинмоқда.

Мамлакатимизда қонунчиликнинг барча соҳалари каби вояга етмаганларга доир қонунчилик асосини ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади. Унга асосан вояга етмаганлар Конституция ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлардан тўлиқ фойдаланалар. Конституциянинг 45-моддаси вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлигини, 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиш таъминлашлиги, болаларга бағишланган хайрия фаолиятини рағбатлантириши, 65-моддасида фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдига тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳо-

Алишер ТЕШАЕВ,
Навоий вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

фаза қилиниши мустаҳкамланган.

Бунинг самараси ўлароқ, замонавий билимларга эга, янгиликларни қабул қилишга, ўз келажагини жамиятда демократик қадр-ятларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ёруғ истиқболлини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган илм-фан ёки спорт соҳасида бўлими, барча-барчасида юксак марраларни забт этаётган янги авлод вакиллари камол топтомоқда.

Конституция ва кодекслардан ташқари бу соҳага оид 22 қонун, Президентнинг 15 та фармони ва 11 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41 та қарори, 32 та илоравий-меъёрий ҳужжат амалга киритилган. Бундан ташқари, мамлакатимиз бевосита ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Истиқлол йилларида таълим-тарбия соҳасида амалга оширилган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишлар биз кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган ҳаётни барпо этиш, ёшларимиз, бутун халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида мустаҳкам замин яратиш. Зеро, буларнинг барчаси Фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда.

Газетамизнинг 47-сонида "Муаммолар гирдобини ёхуш қарши шаҳрида киши мавсумига тайёргарликнинг аҳоли хусусида" номли мақола эътиборингизга ҳавола этилган эди. Унда муҳбир Н.Ғозиев Қарши шаҳри бўйича табиий газ оқимининг пастлиги, кези келганда умуман бўласини оқибатида аҳолининг қийналаётгани ҳақида бонг урган, қолаверса, бунинг сабабларини таълимий ёнашган ҳолда очиб беришга ҳаракат қилган эди. Қуйида ушбу мақола юзасидан олинган жавоб хатини эътиборингизга ҳавола этамиз:

Тақдирнома киритилди

"...Мақолада айтиб ўтилганидек, Қарши шаҳрида киши мавсумига тайёргарликнинг аҳоли мутахассислар жалб қилинган ҳолда ўрганилди, - дейди Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари Т.Муродов бизга берган жавоб хатида. - Мақолада "Қаршишаҳаргаз" филиали бошлиғи Т.Ўроқовнинг берган маълумотига кўра, 2010 йил давомида аҳолига "Ўзтрансгаз" АК ва "Жанубгазтаъминот" УК томонидан таннарихи 13 млрд. 547 млн. сўм бўлган 242.209,0 минг куб метр табиий газ етказиб берилганлиги, бунга кўра аҳоли 4 млрд. 087 млн. сўмлик тўловни амалга оширганлиги, шунингдек, улгуржи истеъмолчиларга 413 285 минг метр куб миқдорда табиий газ етказиб берилиб, улар томонидан фойдаланилган табиий газ учун 2 млрд. 867 млн. сўмлик тўлов амалга оширилганлиги, 2011 йилнинг 1 сентябрь ҳолатида аҳоли "Қаршишаҳаргаз" филиалидан 32 млрд. 456 млн. сўм, улгуржи истеъмолчилар эса 2 млрд. 256 млн. сўм қарздорлиги кўрсатилган.

Шаҳар прокуратураси томонидан "Қаршишаҳаргаз" филиалида ўтказилган текширишда, филиал мансабдор шахслари томонидан ўз вақтида қарздорлиқни ўндириш чоралари кўрилмаганлиги ҳамда қарздорлиқнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилмаганлиги оқибатида 2011 йил 1 январь ҳолатига 4 млрд. 821 млн. 342 минг 400 сўмлик тўловчиси мавжуд бўлмаган (нореал) дебитор қарздорлик вужудга келишига сабабчи бўлишган. Шу ва бошқа ҳолатлар юзасидан филиал мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Шунингдек, шаҳар газ қувурларининг асосий қисми 1966-1968 йилларда ўтказилганлиги, бу борада "Ўзтрансгаз" АК ва "Жанубгазтаъминот" УКнинг мутахассислари томонидан ҳар йили бир марта ерости қувурлари текшириб чиқилиши, аниқланган носозликлар жойида бартараф этилиши, шаҳар ҳудудидаги ерости қувурлари ҳозирги кунда талаб даражасида эканлиги аниқланган.

Мақоладаги "Қаршишаҳаргаз" мутасаддиларининг киши мавсумига умуман тайёр эмас"ликлари ҳолати ўрганилганда эса филиал томонидан 2011-2012 йил кўз-киши мавсумига тайёрларлик режаларининг бажарилиши юзасидан шаҳар ҳудудида жойлашган газ қувурларини мукаммал таъмирлаш, газ тақсимлаш пунктларини тафтиш қилиш, ерости қувурлари ҳолатини прибор усулида текшириш ва газ қувурларини бўёклаш тўлиқ бажарилганлиги аниқланган. Ҳозирда табиий газ босимининг вилоят ҳудудида пастлиги боис аҳолига кам миқдорда газ етказиб берилаётганлиги аниқланган. Бундан ташқари, маҳаллада 2010 йил август ойида табиий газ билан қарашган хонадонлар сони 870 тани ташкил этган бўлса, 2011 йил 1 ноябрь ҳолатида 1016 хонадон ташкил қилганлиги ва кейинги йилларда аҳоли сонининг тез ўсаётганлиги сабабли аҳолига табиий газ етказиб беришда муаммолар вужудга келаётганлиги аниқланган.

"Жанубгазтаъминот" УК ҳамда "Қаршишаҳаргаз" филиали ходимлари томонидан аҳолининг эҳтиёжини қондириш мақсадида режадан ташқари газ таъминотини яхшилаш мақсадида Отчопар маҳалласи ҳудудида 750 метр 115 мм.ли табиий газ қувурлари олиб келиниб, ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мақоладаги фуқаро Б.Қозоқовнинг табиий газдан қарздорлиги ҳолати ўрганилганда унинг хонадониди газ босимининг пастлиги тасдиқлангани ҳолда Б.Қозоқовнинг 2008 йилнинг июль ойидан 2011 йилнинг 1 октябрга қадар табиий газдан 411 021 сўм қарздорлиги ҳам маълум бўлган. (Ўрганиш даврида қарздорлиқдан 123 700 сўм тўлов амалга оширилган.)

Каманди маҳалласида яшовчи фуқаро Ш.Каримовнинг яшаш уйи ҳамда ушбу маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 27-мактабда табиий газ босимининг пастлиги ҳолати ўрганилганда "Ўзтрансгаз" АКнинг 2011 йилдаги иш режасига киритилган газ қувурларини қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш дастурига асосан, Шайхали қўргонидан ўтган газ қувуридан Зогза, Каманди, Бўстон, Қўрғонча, Лағмон, Пистакент ва Кизил Маъит МФК лари ҳудудидан ўрта босимли ерости 219 мм.ли газ қувурига улаш йўли билан юқоридида кўрсатилган маҳаллаларда газ таъминоти муаммолари бартараф этилаётганлиги аниқланган. Бу ҳақда "Жанубгазтаъминот" УК томонидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, "Қашқадарёнефтегазсанотхўриш" ОХЖ билан 2011 йил 1 октябрь кунда шартнома тузилиб, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Ушбу мақолани ўрганиш натижасига кўра, шаҳар прокуратураси томонидан қонунбузилишлар, уни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида Қарши шаҳар ҳокимлигига тақдирнома киритилди."

● Тахририятдан:

Мақолада айтиб ўтилган ҳолатларга қонуний баҳо бериш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида мақола Қашқадарё вилоят ҳокимлигига ҳам жўнатилган эди. Бироқ, бир ойдан ошмади вақт ўтган бўлса-да, қурилган чора-тадбирлар борасида ҳузурга жавоб берилмаганлиги кишини таъажублантирди...

Қарор ижроси билан

Республикаимиз Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларига уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Наманган вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. 2010-2011 йилларда вилоят бўйича жами 1055 та намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилиш режалаштирилган бўлса, бугунга келиб уларнинг аксариятида ҳовли тўйлари бўлиб ўтди.

Наманган вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳам мазкур қарор ижроси юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Бу ҳақда вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Абдурауф ҒОҒУРОВ қуйидагиларни гапириб беради:

— Республикаимиз Президентининг ушбу қароридида кўзда тутилган тадбирларнинг изчиллиги билан амалга оширилиши қишлоқларни тараққий эттириш, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлиши учун имкон ярматмоқда. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратураси томонидан "Услубий қўлланма" ишлаб чиқилиб, унда назорат тадбирларини ўтказишда фойдаланиш мумкин бўлган қонун ҳужжатлари, уй-жой қурилиши билан боғлиқ масалалар ёритилган ҳамда аниқланган қонунбузилишларга нисбатан қўлланмиш мумкин бўлган прокурор назорати ҳужжатлари акс эттирилган. Мазкур қарор ижроси юзасидан 2010 ва жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган текширишлар якунига кўра, 270 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланлиди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 8 та жиноят иши кўзга тилиди.

Текширишларда маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди қорхона ва ташкилотлар томонидан бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Маълумки, Республика Президентининг юқоридаги қароридида намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон фонди ерлар тоифасига кирмайдиган ер массивлари танлаб олиниши белгиланган. Бироқ, ўйчи туман ҳокимининг 2010 йил 9 декабрдаги қарори билан "Махмуджон Қаҳрамон фойз" фермер ҳўжалигининг қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиб келган 2,40 гектар экин майдони қонунга хилоф равишда уй-жой қурилиши учун ажратиб берилган ҳамда фермер ҳўжалигининг 2011 йил ҳосили учун 1,5 гектар ер майдонига экилган галла майдони бузиб ташланган.

Намунавий уй-жойларда қурилиш ишларини амалга ошираётган пудратчи қурилиш ташкилотлари фаолияти устидан лозим даражада назорат ўрнатилмаганлиги қурилиш ташкилотлари мансабдор шахслари томонидан уй-жой қурилиши учун ажратилган маблағларнинг талон-торож қилинишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, Учқўрғон туманида 9 та пудратчи ташкилот раҳбарлари расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан 2011 йил 26 августга қадар қуриб фойдаланишга топширилиш режалаштирилган 48 та уй-жойларда амалга оширилмаган ишларни қўшиб ёзиш йўли билан 904,4 млн. сўм миқдордаги маблағларни талон-торож қилганлар.

Чуст туманидаги "Меҳр бунёдкор" МЧЖ, "Мададор" хусусий МЧЖ қорхонаси ва "Варзиз қалта чинор қурилиш монтаж" МЧЖ мансабдор шахслари эса ҳисобот ҳужжатларига сохта маълумотлар киритиш йўли билан жами 83,4 млн. сўм маблағларни ўзлаштирилган.

"Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба қорхонаси Наманган филиали мансабдор шахслари билан боғлиқ муаммолар юзасидан фуқаролардан келган мурожаатлари ҳал этишда ҳам қўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Жумладан, 2010 йил филиалда рўйхатга олинган 20 нафар, 2011 йилда 71 нафар фуқароларнинг уй-жойлар қурилиши билан боғлиқ муаммолари юзасидан аризаларини қонунда белгиланган тартибда ва

муддатларда ҳал этилмагани ҳолда аризаларнинг 40 таси йўқотиб юборилган. 33 нафар фуқароларнинг мурожаатлари қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ва ҳал этиш чоралари қўрилмаган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан юқорида номлари қайд этилган ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзга тилиди.

Текширишларда юқоридаги филиал мансабдор шахслари томонидан давлат ер кадастри юритиш қоидалари бузилгани ҳолда уй-жойлар қурилишига йўл қўйилганлиги ҳам маълум бўлди. Чунончи филиал томонидан Мингбулоқ туманидаги "Мулкбод-1" массивида 5 та турар жойлар қурилиши учун виллоят "Давлат архитектура ва қурилиш назорати" ихтисосияси рўйхатдан ўтказмасдан ва тегишли рўхсатнома олинмаган ҳолда қурилиш ишлари амалга оширилганлиги аниқланиб, филиал техник ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Х.Турсунов ҳўжаликдаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчилик билан четта чиққаниги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Намунавий лойиҳадаги уй-жой қурилиши учун ер майдони ажратишда бу ишга мутасадди бўлган айрим маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги ер бериш масалалари билан шуғулланувчи комиссиялар томонидан ер бериш тартиби бузилгани ҳолда, ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчилик билан четта чиққанишига йўл қўйлаётганлиги ҳам текширишларда аниқланган. Масалан, Поп туман ҳокимлиги томонидан уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ва қурилиш амалга оширилаётган массивга уй-жой қуриш учун талаб мавжудлиги ўрганилмаганлиги оқибатида 2011 йилда Чодак ҚФЙ, Хонобод МФЙ ҳудудида қурилиш режалаштирилган 22 та намунавий лойиҳадаги уй-жойлар М.Умрзоқов ҚФЙ, Водий қишлоғи ҳудудида қўчирилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Туман ҳокимининг қурилиш ва коммуникациялар бўйича ўринбосари А.Назаров ер бериш тартибини бузганлиги ва ҳўжалик ичидидаги ер тузиш лойиҳаларидан четта чиққаниги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Юқорида қайд этилган қарорнинг 6-бандида ҳокимликларга намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши массивларида барпо этиладиган муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий аҳамиятдаги объектларнинг илдам қурилишини таъминлаш вазифаси юқлатилган. Лекин, маҳаллий ҳокимликлар масъул шахслари томонидан бу борада юқлатилган вазифаларни лозим даражада таъминламасдан, ушбу ҳудудларда муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий аҳамиятдаги объектларнинг қурилиши ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳоллари мавжуд. Масалан, Мингбулоқ туманидаги уй-жой қурилаётган 3 та массивда табиий газ тортиш ишлари бажарилмаган, "Мулкбод-2" массивида қурилиш режалаштирилган нововойхона, савдо дўкони ҳамда дорихона қурилиш ишлари бажарилмаган.

Президент қарори ва уй-жой қурилиш билан боғлиқ бошқа метёрий

ҳужжат талабларига риоя этилиши лозимлиги юзасидан прокурор назорат ҳужжатлари киритилганидан сўнг муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий аҳамиятдаги объектларнинг қурилиш ишларини ўз ҳолатига ташлаб қўйган Мингбулоқ туман ҳокими биринчи ўринбосари Ш.Қўчқоров прокурорнинг қонуний талабларини бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шартнома шартларига кўра, фуқароларга ўз муддатида уй-жойларни топширмаганлиги сабабли, ҳар бир кечиктирилган кун учун шартномавий баҳонинг 0,1 фоизи миқдоридида "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инженеринг компаниясидан жами 59,6 миллион сўм ундириш ҳақида вилоят прокуратураси томонидан 10 та даъво аризаси судларга киритилиб, судлар томонидан даъволар тўлиқ қаноатлантирилди.

Шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар томонидан уй-жой қурилиши учун ер майдони ажратишда қонуний қабул қилинган қарорлар натижасида ҳўжалик юритувчи субъектларга етказилган зарарни қоплаш юзасидан ҳўжалик судига 2 та даъво ариза киритилиб, даъволар тўлиқ қаноатлантирилган.

Айрим ҳолатларда маҳаллий ҳокимлик мансабдор шахслари томонидан қурилиш тугалланмаган уй-жойларни қонуний равишда фойдаланишга қабул қилиш ҳолатларига йўл қўйилган. Масалан, Тўрақўрғон туманида дастурга асосан 2011 йилда қуриб, фойдаланишга топширилиш режалаштирилган 47 та уй-жойлардан 44 тасининг қурилиши якунланмаган бўлса-да, фойдаланишга қабул қилинганлиги аниқланиб, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари П.Турдиев маъмурий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойларда муҳандислик коммуникацияларига улаштирилган қонунбузилишларга йўл қўйилган. Текширишларда қурилишларнинг ҳаммасида ҳам ишлаётган ишчиларни махсус кийим-бошлар билан тўлиқ таъминлаш, уларнинг ювинишлари, дам олишлари учун етарли шaroитлар яратиш масаласига эътибор қаратилмаётгани маълум бўлди. Ишчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун аптекалар ҳамма ерда ҳам мавжуд эмаслиги аниқланди. Натижада, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатлари ҳамда санитария-гигиена қоидаларини бузган 49 нафар пудратчи ташкилотлар раҳбарлари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Текширишларда аниқланган бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига қисқа фурсатларда барҳам берилди. Хусусан, қурилишда қатнашаётган 223 нафар фуқаро билан пудратчи қорхоналар ўртасида тузилмаган меҳнат шартномалари тузилиши, 292 нафар фуқарога меҳнат дафтарчалари юритилиши, 949 нафар фуқаронинг тиббий қўриқдан ўтказилиши, 465 нафар фуқаронинг меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилиши, 919 нафар фуқаронинг иш беворчи томонидан сугурталаниши таъминланди. Шунингдек, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилмагани, электр энергиясидан фойдаланиш билан боғлиқ қонунбузилишлар бартараф этилди. Ишчилар учун дам олиш, ювиниш, ва овқатланиш жойлари ташкил этилди.

Дастлабки тергов давомида аниқланган 2407,1 млн. сўм зарарнинг 2272,6 млн. сўмининг ундирилиши ҳамда 80 дан ортиқ уй-жойларнинг белгиланган қурилиш қоидалари ва нормалари асосида қурилиши якунланиб, тегишли далолатномалар асосида фойдаланишга топширилиши таъминланди.

Музаффар АБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди

Кузнинг сўнгги ойн бошларида ёққан қор баъзи мутасаддилар, боқибегам фуқароларни гафлатла қолдирди. Мавсумга тайёргарликни ташкил этувчи мутасаддилар хизмат бурчларини виждонан бажармаганликлари оқибатида муаммолар туғилди.

Мавсум тадориги

Я.ЎРИНБОВЕВ, Б.ЖЎРАЕВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим
прокурорлари

Маълумотларга кўра, вилоятда ишлаб чиқариш, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларини қайта ва жорий таъмирлаш, ёқилга-энергетика ресурсларини жамғариш режалари ишлаб чиқилган ва муайян ишлар қилинган. Қорхона ва муассасаларга, аҳолига кўзда тутилганга нисбатан бир ярим баробар кўпроқ кўмир келтирилиб, тарқатилган. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 сентябрь кунги йиғилиши баённомаси асосида вилоятда иситиш тизимини газдан кўмирга ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Табиий газ этиб бормайдиган айрим ҳудудлар — Сўх тумани, Фарғона туманининг Шохимардон ва Ердон қишлоқлари ҳамда бир қатор шаҳар-қишлоқларга режадан ташқари 123,6 минг тонна кўмир келтирилиши белгиланган.

Зоҳиран, ишлар бир маромда бораётгандай. Бироқ таҳлилларда соҳага мутасаддилар зиммаларига юқлатилган вазифаларни ярим-ёрти бажарган ҳолатлар аниқланди. Хусусан, "Қақир кўмир" унитар қорхонаси мансабдорларининг маълумотларига кўра, гўё кўмир билан таъминланган айрим хонадонларга аслида ёқилга этиб бормаган. 429 та хонадонга эса сифатсиз кўмир сотилган. Ушбу ҳолатлар бўйича қорхона мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзга тилиди.

Айрим жойларда эса ёқилга етарли миқдорда галлаб қўйилмаган. Чунончи, Бувайда тумани халқ таълими муассасаларида кўмир белгиланганидан кам жамғарилган бўлса, баъзи "ишбилармон"лар ёқилганини "чап"га пуллашган. Дангара туманидаги 30-сонли мактаб, Учқўприк туманидаги тиббиёт бirlашмаси, бошқа шаҳар ва туманлардаги бир қатор мактаблар, шифохоналарнинг жамғарилган кўмирнинг талон-торож қилинишига йўл қўйган мутасаддилар маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Ёқилганини сифатсизлиги ҳам ҳақли эътирозларни келтириб чиқарган. Фарғона шаҳридаги 18-сонли умумтаълим мактабига келтирилган кўмирнинг салкам бир тоннаси фойдаланишга ярқоқсиз бўлиб чиққан.

Тошлоқ туманида ҳам куз-чиқ даври учун ишлаб чиқилган тадбирлар дастурининг ижроси асосатда қолган. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқлари, ижтимоий объектлар, уй-жойларни мавсумга ҳозирлаш ишлари нияҳоясига етказилмаган. Худудий комиссия томонидан ушбу муаммонинг ечимини топиш чоралари қўрилмаган. Туманда 1991 йилгача қурилган қўлқаватли уйларнинг 8 тасида сув ва иссиқлик таъминоти бўлмагани туфайли хонадон эгалари қўлбола иситиш қозонлари ва газ плиталаридан фойдаланиб келишган.

Бундан ташқари, Ижтимоий иқтисодиёт ва Иқтисодиёт коллежларида мавжуд табиий газ тармоғига уланган қозонлар кўмирда иситишга мослаштирилмаган.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам иситиш тизимлари мавсумга етарли даражада тайёрлаб қўйилмаган. Қумарик қишлоғидаги юқумли касалликлар шифохонасининг қозончалари ҳамда 2-кавати мукамал таъмирлашга муҳтож. Арабмозор, Ахшак, Найман, Турват каби қишлоқ врачлик пунктлари ёқилга озлиги, кўмир захираси йўқлиги туфайли иситилмаган.

Ушбу қонунбузилишларни бартараф этиш учун прокурор назорати ҳужжатлари қўлланлиди. Хизмат бурчларини адо этмаган Тошлоқ ва Қува туман ҳокимларининг ўринбосарлари, худудий комиссияларнинг раислари интизомий жавобгарликка тортилдилар. Текшириш мобайнида юқоридаги камчиликлар бартараф этилди.

Ватанни севмок иймондандир

Ўзбекистон — бизнинг туғилган ва камолга етган уйимиз. Бу ҳар қандай баландпарвоз сўзлардан, сунъий тушунчалардан устунроқ, улугворокдир. Зеро, унинг равнақи, озои-йишталиги учун интилиш, курашиш Ватанга фидойилик мезонини белгилаб беради. Минг йиллик жангу жадалларнинг, жон олиб жон беришларнинг барча сабаб ва оқибатлари ана шу тушунчага келиб туташади. Ва беихтиёр лабларимиз пичирлайди: Ватанни севмок иймондандир.

Ватанга фидойилик билан бир вақтда, минг афсуслик, унга хиёнат ҳам нур ёнидаги соя каби ҳамиша мавжуд. Аслида хиёнат жохилликдан келиб чиқади. Маърифатли киши эса ҳамиша диёнатли бўлади. Небахтлик, бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг порлок келажиги маърифатли кишилар, илмий ёшлар қўлида. Шу боис юртимиз фидойи кишилар масканига, меҳру шафқат, муҳаббат барқарор бўлган, тафаккур ва ижод қайнаган муқаддас маконга айланишига шак-шубҳа йўқ.

Тарихдан маълумки, не-не алломаблар, шоирлар фузалолар тақдир тақозоси билан Ватандан айро тушганлар. Улар аччиқ қисматдан охлар чекиб, Ватанинг бир сиқим тупроғини кўзларига түтиб қилишга зор бўлганлар. Бобурдек улуг саркарда, шоҳ ва шоир ҳам Ватанидан кетганлиги катта ҳаттоликка эна, балки "юз қаролиғ" эканлигини эътироф этган.

Бобуримизнинг Ватан соғинчи акс этган ёниқ мисраларини ўқиганимда, юрт қадрига етмаган, ўзга юртларни деб ўз мамлакатига маломат тошлари отаётган, ҳатто унга қарши қурол кўтаришга жазм этаётганларни кўриб нафратланасан, киши. Юрагиди фақат бадниятлар ниш урган, кимларнингдир қўлида тирик кўйирчоқ, роботга айланиб, арзиман садақа эвазига бутун бир халқни, Ватани сотган, пана-пастқамларда чаёндек пайт пойлаб, заҳарли нишнни буюк эл кўксига санчишга уринаётган манкуртлар билан бўйсинганлар, ўзбекнинг метин иродасини ҳеч ким бука олмаган ва бука олмайдиган ҳам.

Бу каби кимсалар ўша, 1999 йилнинг 16 февралидан кейинроқ халқнинг ҳексиз газаб ва нафратига дучор бўлганлар. Дарҳақиқат, террорнинг миллати ҳам, Ватани ҳам йўқ. Ундан озор чекмаган бирорта давлат ҳам йўқ дунёда. Шундай экан, бир мушт бўлиб бирлашсак, ахил, тотув, ҳамжиҳат бўлсак, бизни ҳеч қандай қорач энголмаслиги аниқ.

Ўзбекистоннинг қисқа, аммо асрларга татигулик йилларда дадил одимлар билан ривожланиётгани, тенглари ичра тенг мамлакат эканлиги, шаҳар ва қишлоқларимиздаги янгилашиллар, энг олис ҳудудларда ҳам кўз кўрса қувонадиган қосоналарнинг қад ростлаётгани, фарзандларимиз янги ва мухташам ўқув масканларида билим олаётгани Истиқлол шарофатидандир.

Бугун Ўзбекистон эришаётган ютуқлар, қўлга қиритаётган муваффақиятларни жаҳон афкор оммаси эътироф этмоқда. Пойтахтимиз Ташкентга бир ой бормаган киши кейинги гал таширф бююрганида шаҳарни таний олмай қолаётгани аниқ ҳақиқат. Кун сайин кўкка бўй чўзаётган

бири-бирдан кўркам иншоотлар, обод кўчалар, улугвор кўприклар чин маънодаги бунёдкорлик, яратувчанлик ишларидан нишона. Майли марказни қўя турайлик. Бугун она Ўзбекистонимизнинг қайси бурчагига борманг, оламшумул бунёдкорликлар шохиди бўласиз. Яшнаётган гўшаларни, уни яшнаётган фидойи инсонларни кўрасиз. Улар ўз Ватанига, халқига бўлган муҳаббатини жанангдор сўзларда эмас, балки пешона терида деб биладилар. Кам гапириб, кўп ишлайдилар, озорд ўлкани обод кўришни истайдилар. Уларнинг қўллари гул, тилақлари эзгулик...

Ўзбек дўхонининг бошидаги дўпписига ҳам, беллидаги белбоғига ҳам миллатнинг орияти қўшиб қатилган. У бу дунёга нолиш учунмас, оламни яшнатгани, гуллатгани келган. Зеро, эл-юрт хиромини унинг қадок қўлларидан тўкилган олти миллион саккиз юз минг тонна дон, уч миллион беш юз минг тонна пахта шу Ватанда истикомат қилаётган халқнинг ризқу насбаси, кут-баракаси, ахир.

Мустақиллик туфайли қадриятларимизни англаб етдик. Ўз мадҳиямиз, ўз тугроғимиз ва байроғимизга эга бўлдик, Қомусимизни яратдик. БМТнинг қароргоҳида Ўзбекистон байроғи ҳилпирай бошлади. Бизни дунё таниди. Биз эса дунёни.

Кўпгина мамлакатларда маънавият ва ахлоқ тушунчалари қадрланмай турган бир даврда бизнинг юртимизда инсон руҳиятига, унинг зақосига эҳтиром кўрсатилиши фойда аҳамиятлилар.

Юртобосимиз ўзининг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асариди "Заминимизда қуяб ўтган буюк алломабларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жаҳон ахлини ҳайратга солаётганини гурур билан таъкидлаш лозим", деб қайд этган. Ҳақиқатдан ҳам ҳуриятимиз шарофати билан юртимизда тарихий адолат тикланди. Ўзлаб қадимий қўлёзмалар нашр этилиб, буюк алломабларимизнинг қадамжолари обод қилинди.

Бизнинг ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлганлигимиз, тинч ва дорилмон турмушимиз, буюк келажакни қўраётганлигимиз кимларгадир ёқмаслиги табиий. Шу боис ҳам ғаламислар пана-пастқамларга биқиниб олиб, хавфсизлигимизга таҳдид солишга, осийишта ҳаётимизга даҳл қилишга уринмоқдалар. Улар террорчилик ҳаракатлари билан тинч аҳолининг юрагига кўркув, гулгула солиш, ўзларининг ҳеч қачон амалга ошмайдиган "кўкнори" ҳаёлларига эришиш йўлида ҳар қандай разиллик, тубанликдан ҳам қайтмаётдилар. Таассуфки, бир ҳовуч тўда қўлида ҳар мақомга йўргалаётган, шу азият эл тузини ичиб, тузилинга тушураётган ичимиздаги душманларнинг қуошқондан чиқаётган қилмишларини асло кечириб бўлмайди. Вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тезкор тадбирларда Қарши шаҳрида яшовчи

Огоҳлик... Бу сўз ва унинг маъни мужассам аса маъно кейинги пайтларда мамлакатимиз аҳлининг фикру ҳаёлидаги ўй-кечинмаларга айланиб қолади. Чунки халқимиз тинчлик туфайлигина ҳар қандай қийинчиликни енгиб, фаровон ҳаёт кечирishi мумкинлигини яхши билади. Фақат тинчлик бўлсагина, еган лўқмаи ҳалоли ичига тушишини, хурсандчилик кўнглига сиғишини, эртанги ҳур, фаровон ҳаёт умиди ила яшаши мумкинлигини қалбан ҳис этади. Зеро неча-неча авлодлар орзу-армони бўлган, машаққатлар билан қўлга киритилган истиқлол небахтки бизларга насиб этган экан, уни авайлаб-асраш ҳаммамизнинг олий бурчимиздир.

фуқаролар Пўлатов Ойбек Алишерович, Талипов Сирожиддин Сайдалиевич, Раҳматов Ўқтам Эгамбердиевич, Юлдошев Маъруф Фахриддин ўғли, Шахрисабз туманида яшовчи Каримов Дилбек Дилмуродович, Чироқчи туманида яшовчи Хуррамов Сарвар Абдуллаевич, Қамаш туманида яшовчи Шарипов Отабек Мавлоновичлар диний-экстремистик ва фундаменталистик ташкилот — "Ўзбекистон ислом ҳаракати" халқаро террорчилик ташкилоти "Ислом жиходчилари" оқимининг аъзоси бўлиб кириб, ўшбу оқимни тарғиб этиб, унга фуқароларни жалб қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумига таъжовуз қилиш, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ва тарқатиш ҳамда қонунга хилоф равишда чет элга қилиш жиноятларини содир қилганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан 2010 йил 1 апрелда виллоят ИИБ ТБ терговчиси Ш.Самиев томонидан ЖКнинг 244-2-модда 1-қисми билан жиноят иш қўзғатилиб, ЖКнинг 155-моддаси 1-қисми, 156-моддаси 3-қисми "д" банди, 159-моддаси 3-қисми "а, б" бандлари, 144-моддаси 3-қисми "а, в" бандлари, 244-2-моддаси 1-қисми ва 223-моддаси 2-қисми "б" банди билан айб этилиб қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё виллоят судининг 2011 йил 14 октябрдаги ҳукмига қўра, О.Пўлатов, С.Талипов, Ў.Раҳматов, М.Юлдошев, Д.Каримов, С.Хуррамов ва О.Шариповларга ЖКнинг қатор моддалари билан айбдор деб топилиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўзбекистонда азалдан диний бағрикенглик, миллатлараро ҳамжиҳатлик қарор топган. Бундай тарихий тотувлик юртимиз миллий мустақиллиги қўлга киритгандан сўнг янада мустаҳкамланди. Ҳозир мамлакатимизда барча фуқароларнинг эътиқод эркинлиги тўла таъминланган.

Конституцияимизнинг 31-моддасида: "Ҳамама учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлагандинга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди", деган қонуннинг мустаҳкамлаб қўйилгани ҳам республика-

мизда виждон эркинлиги таъминланганидан далолатдир.

Қашқадарё виллоят прокуратураси томонидан "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун ва диний-экстремизмга қарши курашишга доир бошқа қонунлар ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатилган. Ўтказилган текширишлар, баъзи бир жиноят ишлари бўйича тергов натижалари айрим фуқаролар виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилаётганлигини кўрсатади ва бу ҳақда мулоҳаза юритишга ундайди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар томонидан ўтказилган тадбирларда айрим фуқаролар дин ишлари бўйича қўйма турхуқсиз диний мазмундаги адабиётлар, аудио ва видео кассеталар савдоси билан шугулланаётгани ҳам аниқланган.

Яна бир ноқонуний фаолият — миссионерлик билан шугулланувчиларнинг қўпайиб бораётганлиги таъминланарлидир. Ноқонуний секталар фаолияти юртимизда асрлар давомидида шаклланган бағрикенгликка, ҳонадонларимиздаги ҳаловатга таъжовуз эканлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Қашқадарё виллоят прокуратураси виллоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда ўтказилган текширишларда, виллоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жорий йилнинг 4 июнь куни ўтказилган текширишда Шахрисабз тумани, Ипак йўли кўчасида яшовчи фуқаро Котова Олянинг яшаш манзилида "Иегова шохидлари" ноисломий тузилмаси вакиллари йўғилиб, диний йиғилишлар ўтказишга ётганлиги ҳолати аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан Шахрисабз шаҳар, Дўстлик кўчасида яшовчи Абдумуратова Барно Бозоровна ва Шахрисабз тумани, Ипак йўли кўчаси 153А-уйда рўйхатсиз яшовчи Луганцев Андрей Викторовичларга нисбатан МЖТКнинг 240-моддаси ва 241-моддалари билан, Котова Оля Александровнага МЖТКнинг 240-моддаси билан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилиб, жиноят ишлари бўйича Шахрисабз туман судининг 2011 йил 28 июнь кундаги қарори билан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорда жарима жазоси тайинланган. Сектанинг норасмий ва рухсат этил-

Одил ПОЁНОВ,
Қашқадарё виллоят
прокуратураси бўлим бошлиғи
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

маган маросимларини ўтказиб келатганлиги аниқланган. Савол туғилади: наҳотки, уларнинг ноқонуний фаолиятидан маҳалла аҳли беҳабар бўлса? Маҳалла фаоллари ва посбонлар қайққа қарашган?

Маълумки, террорчилик, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик каби иллатлар нафақат муайян давлатлар, балки бутун дунёдаги осуда ҳаётга путур етказиши ҳеч гап эмас. Бугун ушбу хавфларнинг ҳар бири жиддий ўрганиб чиқилар экан, улар бир-бирисиз яшай олмаслиги аён бўлмоқда. Соддароқ қилиб айтганда, ушбу иллатлар бир-бирининг тегириғида сув қуйиш билан тиркидир.

Ривоят қилишларича, бир мамлакат ҳукмдорини урушга тортиш учун душман турли баҳоналар излабди. Даставвал унинг учқур тулпорини сўрабди. Ҳукмдор машварат қақариб, урушнинг даҳшатли оқибатларидан қўра севирилиб отидан ажралмоқлиги афзал билибди. Душман ҳукмдордан маълум миқдорда бойлик талаб қилибди. Жами беклари, лашкарбозиларининг давлатига қарамай, ҳоқон урушга рухсат этмабди. Душман таърифдан эли келибди. Бу гал улар унумсиз, яёдоқ, қақроқ бир парча ер сўрабдилар. Машварат ахли шу яроқсиз ерни бериш билан мамлакат бир нарсга бўлиб қолмаслигини айтган экан, хон ларзага келибди: "Шу қақроқ ер — Ватанимиз азиз парчаси, у бизнинггина мулкимиз эмас. Мо-зорда ётган ота-боболаримизнинг, қийматга қадар туғилмаган набираларимизнинг ҳам бу муқаддас тупроқда ҳақлари бор. Ватан заминидан — бир қарич ер бермоқча ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. От ҳам, бойлик ҳам топилади. Аммо Ватан топилайди, у битта, ягона. Шу боис энди урушанишга, бошқа чора йўқ", деган экан.

Ҳа, Ватан ягона, у битта. Шундай экан, уни севишимиз, ҳар қарич ери, бир сиқим тупроғи ҳам ҳар биримиз учун азиздир. Ватанин севмок иймондандир, деган гап бежизга айтилмаган. Биз Ватанимизни — киндик қонимиз томанг жойни муқаддас, мўтабаб деб билишимиз, ёмон кўзлардан асрамоғимиз даркор. Бугунги замонда мамлакатимизнинг тинчлигини, халқимизнинг осойишталигини таъминлаш нафақат ҳарбийлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимларининг, балки маҳаллий ҳокимият, маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинларининг, қолаверса, ҳар биримизнинг ишимиздир. Ҳеч қачон огоҳлик ва ҳушёрликни унутмаслигимиз даркор.

Ҳуқуқий ҳимоянинг мустақкам тизими

Ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу субъектлар илҳам, ҳаракатчанлиги бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига тез мослаша олиши ҳаммамизга маълум. Шу нуқтаи назардан бугун кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этаётди. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортигини ташкил этмоқда.

Кичик бизнеснинг ўзига хос бўлмаган хусусияти шундаки, меҳнат фаолияти давомида ишлаб чиқариш омиллари бир-бири билан ўзвий боғланиб, ҳўжаликни самарали юритиш ва оқилона бошқаришга қаратилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида инсон ишлаб чиқаришнинг асосий омилга айланиб, тадбиркор шаклида мулк эгасига бўлди. Кичик бизнес субъектларини ривожлантиришдан кўзланган мақсад унинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳажмини ошириш борабара аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборатдир. Давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида бу субъектларнинг тармоқ таркибидаги улушида ўзгариш юз бермоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича мустақкам ҳуқуқий асос яратилган. Бу борадаги мавжуд қонун ҳужжатларининг ҳаётга изчил татбиқ этилишини таъминлаш ва уларнинг мазмун-моҳиятини нафақат тадбиркорларга, балки кенг жамоатчиликка тушунириш муҳим ва устувор вазифа этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги "Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк муҳофазасини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони билан хусусий мулкчилик асосидаги тадбиркорликнинг юзга келиши иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги энг асосий вазифаларидан бири сифатида қайд этилди. Бу вазифани ҳал этиш учун тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил 28 августда "Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўллаб-қувватлашнинг давлат дастури тўғрисида"ги 334-сонли Қарори қабул қилиниши билан Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда янги босқич бошланди.

Ушбу дастурнинг асосий мақсади: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнини жадаллаштириш ва давлат, ҳўжалик ва жамоатчилик тузилмаларининг қўлай тадбиркорлик муҳити яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлашдан иборат.

Дастурда кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни, соҳани ривожлантириш бўйича қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинган тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият кўрсатишига замин яратди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари ижроси юзасидан бир қанча амалий ишлар амалга оширилди. Жумладан, тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳар қандай санкция фақат суд қарори асосида қўлланиши белгиланди.

Бизнесни рўйхатга олиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, шунингдек, фаолиятнинг алоҳида турлари билан шугулланиш ҳуқуқини берадиган лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнилари соддалаштирилди. Қўллаб белгиланган жарималар миқдори сезиларли даражада камайтирилди, айрим жарима турлари эса бутунлай бекор қилинди. Озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқариши кенгайтиришнинг рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда солиқ ва божхона тўловлари бўйича бир қанча имтиёзлар берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон-фермер ҳўжалиқларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириш республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Мазкур соҳа субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллаш тажрибаси шунини кўрсатадики, судлар уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларга нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундиришга оид ишларни асосан тўғри ва қонун талабларига риоя этган ҳолда ҳал этмоқдалар. Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги низо-ларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини аниқ ва бир хилда қўллаш борасида баъзи бир муаммолар борлиги кўзга ташланмоқда.

Жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектлари манфаатларини қўлаб судга даъво билан мурожаат этувчи органларнинг бу борадаги фаолияти асослари процессуал қонун ҳужжатларида тўлиқ

ифода этилмаганлиги, низо-ларнинг тааллуқлилиги оид ягона суд амалиётининг мавжуд эмаслиги тадбиркорлик субъектларининг судларга мурожаат этиш жараёнида беҳуда оворгарчиликларига сабаб бўлмоқда. Уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказилганлиги учун зарар ундириш масаласини ҳал этишда судлар ҳаттоқлиқларга йўл қўймоқдалар.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари иштирокидаги ишларнинг судловга тааллуқлилиги масаласини ҳал этишда судларнинг эътибори низоли муносабатларнинг хусусияти ва субъектлар таркибининг ифода-ловчи асосий мезонларга қаратилиши лозим.

Деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш (фаолиятини тўхтатиш) тўғрисидаги низо-лар юзасидан келиб чиқадиغان ишлар даъво юритиш тартибида қўрилади.

Судлар фермер ҳўжалиқлари билан тузилган ер участкасини ижарага бериш шартномаларини бекор қилиш ҳақидаги низо-ларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонуни қоидаларга амал қилишлари лозим.

Деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари томонидан ер участкасини белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги ёки ундан оқилона фойдаланилмаганлиги, ернинг қимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланиши, ердан экологик вазиятнинг ёмонлашуви-га олиб келадиган усуллар билан фойдаланилганлиги, ер солиғи, ижара ҳақи мунтазам тўлаб келилмаганлиги каби асослар бўйича ер участкасини ижара шартномасини бекор қилиш ёки ерни олиб қўйиш тўғрисидаги даъволар қўри-лаётганда судлар ушбу ҳолатлар тегишли мутахассислар томонидан ҳўжатлар асосида тасдиқланганга эътибор қаратишлари шарт.

Судлар тадбиркорлик фаолияти субъектларининг даъво-сини бўйича ишларни қўриб чиқ-ишда ишчанлик обрўсига ет-казилган маънавий зарарини ундириш тўғрисидаги талаб-ни ҳам асосий даъвога қўшиб қўришга ҳақлидирлар. Бундай талаб бошқа судга тааллуқли, деган ваз билан ишни туга-тишга ёки даъво аризасини қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайд.

Ҳўйлаймики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси "Мустақкам оила йили" дея аталган 2012 йилда ҳам барқарор ривожланади ва жа-миятимиз равнақига муносиб хисса қўшади.

Алишер АКБАРОВ,

Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 326-моддасига кўра, давлат божи деганда, юридик аҳамиятга молик ҳаракат-ларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ва-колатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳўжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўлов тушу-нилади. Давлат божи бошқа мажбурий тўловлар қатори Ўзе-бекистон Республикаси давлат бюджетини шакллантиришнинг таркибий қисмини ташкил этиши туфайли судлар фуқаролик ишлари бўйича давлат божи ундиришга доир қонун талаб-ларига сўзсиз риоя этишлари шарт.

Мажбурий тўлов

С.БЕКИТАЕВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан битимлар би-лан боғлиқ фуқаролик ишларининг судларда қўрилиши-да давлат божи ундирилиши юзасидан суд-прокурор амалиёти ўрганилиб, умумлаштирилганда, судлар томонидан дав-лат божи ҳисобланишида ҳато-ларга йўл қўйилаётганлиги, иш ҳолатларининг етарли даражада аниқланмаётганлиги, дав-ла-табларини қаноатлантириш рад этилган тарафлардан давлат бо-жини тўлиқ ундириш чоралари қўрилмаётганлиги натижасида айрим фуқаролик ишлари бўйича давлат божи миқдори асос-сини равишда ундирилмай қолиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суд-дининг 2011 йил 17 январда қабул қилган ҳал қилув қарори би-лан даъвогар Шарипованинг жавобгар Иримовга нисбатан уму-мий мол-мулкни бўлиш ҳақидаги даъво аризаси қисман қано-атлантилган, учинчи шахс Ваҳабованинг жавобгарлар Шари-пова, Иримовларга нисбатан олди-сотиқ шартномасини бекор қилиш ҳақидаги мустақил даъво талаби рад этилган ҳамда то-монлар давлат божи тўлашдан озод этилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 15 мартдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Биринчи инстанция суди мазкур фуқаролик ишнинг қўриб чи-қиб, даъво талабларини рад этар экан, тарафларни давлат божи тўлашдан озод этиш тўғрисида асоссиз ҳулосага келган ва Ўзе-бекистон Республикаси ФПКнинг 110-моддаси талабларини ба-жармаган. Апелляция инстанцияси эса бу камчиликларни бар-тараф этиш чораларини кўрмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми-нинг 2009 йил 24 ноябрдаги "Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти тўғрисида"ги 14-сонли Қарорининг 24-бандида юқори инстанция судлари фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида қўриш вақтида биринчи инстанция суди томонидан суд ҳаражатлари-ни ундиришда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш чоралари-ни қўришлари лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат божи ставкаларининг 1-қисми "а" бандига асосан, даъво баҳо-си 63,5 млн. сўмни ташкил қилишдан келиб чиқиб, давлат божи ундирилиши лозим эди.

Хусусан, суд тарафларни давлат божи тўлашдан озод этар экан, тарафларнинг умумий мулкни ҳисобланган 2 та хонадон, 1 та ҳовли уй-ҳойи, 2 та автомашиналари борлигига ҳамда та-рафлар кам таъминланган ёки мулкий аҳволи ёмон ҳисоблан-маслигига эътибор бермаган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 15 мартдаги ажримида нисбатан 2011 йил 2 июнда шаҳар прокурори томонидан назорат тартибида протест келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги "Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти тўғрисида"ги 14-сонли Қарори 22-банди-да мулкка нисбатан умумий қийматдан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-ланиши ва ворисларнинг ҳар биридан унинг улушига мутано-сиз равишда ундирилиши лозимлиги кўрсатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2010 йил 6 сентябрда қабул қилган ҳал қилув қарори билан даъ-вогар Авазованинг жавобгар Нагаевага нисбатан меросхўр деб топиш ҳақидаги даъво аризаси, Нагаеванинг эса қарши даъво талаблари қисман қаноатлантирилган ҳамда улар меросхўр деб топишган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси ўзининг 2011 йил 10 майдаги ажрими билан ҳал қилув қарорини қисман бекор қилар экан, давлат божи унди-риш масаласини муҳокама қилиб, тарафларнинг ҳар биридан атиги 100 минг сўмдан давлат божи ундириб, суд ҳаражатлари миқдорини камайтирган.

Апелляция инстанцияси давлат божи миқдорини камайтириш-да томонларнинг мулкий аҳволини ўрганиш бўйича тегишли маъ-лумотларни талаб қилиб олмаган ва бу билан Ўзбекистон Рес-публикаси ФПКнинг 111-моддаси талабларини бажармаган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 10 майдаги ажримида нисбатан 2011 йил 8 сентябрда шаҳар прокурори томонидан назорат тартиби-да келтирилган протест шаҳар суди Раёсатининг 2011 йил 29 сентябрдаги қарори билан қаноатлантирилиб, тарафлардан жа-ми 4 млн. сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан битимлар билан боғлиқ фуқаролик ишларининг судларда қўрилишида давлат божи ундирилиши фаолиятини таҳлил қилиш якуни бўйича ноконуний суд қарорларини бекор қилиш юзасидан 5 та касса-ция ва 18 та назорат тартибида, жами 23 та протестлар келти-рилган бўлиб, барча протестлар фуқаролик ишлари бўйича Тош-кент шаҳар судининг тегишли инстанциялари томонидан қано-атлантилган.

— Ун ортилган Газ-53ни Департамент ходимлари ушлашибди. Тез ҳаракатингизни қилинг, — "Xalil Boyvachcha" хусусий фирмаси экспедитори Абдушукур Тажидбоевга танишларидан шу мазмунда қўнғироқ бўли. Вазиятнинг бундай тус олишини кутмаган А.Тажидбоев тезда бундан отаси Абдуманнон акани хабардор қилди.

100 тонна ун «операцияси»

2002 йилда "Xalil Boyvachcha" хусусий фирмасини ташкил этиб, шу кунга қадар ун бошқариб келётган Абдуманнон Тажидбоев тажрибали тadbиркор. Бундай пайтда "нима қилиш керак", деб ўйлаб ўтирмай, дарҳол ҳужжатларнинг чаласини битиришга киришди. Биринчи навбатда фирма ҳисоб рақами очилган ТИФ «Миллий банк»нинг Олмасор филиалига бориб тўлов топшириқнома орқали 5 млн. 543 минг сўм пулни "GALLA ALTEG" ОАЖнинг ҳисоб рақамига ўтказди. Бу вақтда соат миллари 15:45ни кўрсатиб турар эди.

Нега вақтга эътиборингизни тортдик? Умуман, гап нима ҳақда бормоқда?

Гап шундаки, 2010 йил 22 сентябрда СВОЖДЛДКК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан "GALLA ALTEG" ОАЖда ўтказилаётган қисқа муддатли текширув чоғида корхона ҳудудидан ГАЗ-53 русумли юк автотомашинаси юк ортилган ҳолатда чиқиб кетгани текширувчилар эътиборини тортади ва автотомашина кузатувга олинади. Учгана тумани Маннон Уйғур кўчаси "MONI YONG'OQ BARAKA" МЧЖ ҳудудига келган ана шу юк автотомашинасидан ун маҳсулотлари туширилаётгани аниқланган, ҳолисалар иштирокида текширув эълон қилинади. Мазкур юк, яъни 7 500 кг ун маҳсулотларига тегишли ҳужжатлар сўралганда, маҳсулот "Xalil Boyvachcha" ХФга тегишли эканлиги маълум бўлади.

Олиб борилган текширувлар натижасида уюшган гуруҳнинг жиноий қилмишлари фош этилди.

Маълум бўлишича, "Xalil Boyvachcha" ХФ директори А.Тажидбоев, уюшган гуруҳ аъзолари — мазкур фирма экспедитори А.Тажидбоев, "MONI YONG'OQ BARAKA" МЧЖ раҳбари А.Юнусметов ва "GALLA ALTEG" ОАЖ мансабдор шахслари билан жиноий тил бириктириб, "GALLA ALTEG" ОАЖ билан 2010 йил 1 мартда 100 тонна — 48 млн. 368 минг 960 сўмлик ун маҳсулотини сотиб олиш тўғрисида 194-сонли шартнома тузган. Шартноманинг 2.1-бандида маҳсулот учун 100 фоиз олдиндан тўлов оширили-

Улугбек АНВАРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
АМИБ терговчиси

ши кўрсатилган бўлса-да, фирма томонидан "GALLA ALTEG" ОАЖнинг ҳисоб рақамига олдиндан тўловлар амалга оширилмаган. Жумладан, 2010 йил 9 сентябрда "GALLA ALTEG" ОАЖ томонидан "Xalil Boyvachcha" хусусий фирмасига 16 тонна ун берилиши ҳақида 4758-сонли сохта бўйруқ тайёрланиб, 2010 йил 22 сентябрда 15 тонна 1-навли унни А.Тажидбоев номига ёзилган 46-сонли ишончнома асосида бериш ҳақида сохта ҳисоб-фактура тузилган.

Ана шу тарика "GALLA ALTEG"да ишлаб чиқарилган 6 млн. 521 минг 970 сўмлик 15 тонна ун маҳсулотларининг тенг ярми сохта юк хати билан "Xalil Boyvachcha" ХФ савдо дўконларига ва яна шунчаси "MONI YONG'OQ BARAKA" МЧЖ дўконларига ноқонуний равишда сохта ун улаштириш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида жўнатишган.

"MONI YONG'OQ BARAKA" МЧЖга сохта юк хати билан ун маҳсулотлари келтирилгани ва туширилаётгани аниқланган пайтда 22 сентябрь соат 11:00 бўлган. "Xalil Boyvachcha" ХФ директори А.Тажидбоев фирма ҳисоб рақамидан "GALLA ALTEG" ОАЖ ҳисоб рақамига пул ўтказганда эса соат 15:45 эди. Бу унинг жиноят изини яширишга бўлган бефойда уриниши эди, холос.

Шунингдек, "Xalil Boyvachcha" ХФ фаолияти юзасидан ўтказилган ҳужжатли текшириш жараёнида фирма дўконларида ҳужжатлари ва сифат сертификатлари бўлмаган товарлар савдога қўйилгани, 3 млн. 750 минг сўмлик товар моддий бойликлар камомати аниқланган.

Худди шу каби, "MONI YONG'OQ BARAKA" МЧЖ фаолияти юзасидан ўтказилган ҳужжатли текширувда ҳам ҳужжати ва сифат сертификати бўлмаган товарлар савдога қўйилгани ва товар моддий бойликлар камомати аниқланган.

Жиноят ишлари бўйича Ҳамза туман судининг ҳукми билан қонунбузарларнинг барчаси қонуний жазосини олишди.

Лоқайдлик жафоси

Мирзаобод туманида яшовчи қўдалариникига онла-сонда ташриф буюрадиган Худойберди Холиқовнинг ярамас одати бор эди. У меҳмоннинг ҳурмати деганла, ҳушини йўқотар даражада ароқхўрлик қилиш ва тўкин дастурхон атрофида ялпайиб ўтиришининга тушунар, муналайроқ муомала ёки унинг мингир-мингирга бепарво муносабатдан жиззаклиги тутиб қоларди. Тожикистон-деб ҳам бўлмасди.



Азиз ЭСИРГАПОВ,
Мирзаобод туман прокурори
Ғайбулла ДҲСТОВ,
журналист

Қани, тез ош қилларинг!

Алишер уни суяб, уйга олиб кирди. Остонадаёқ, бир шиша пивони симириб ташлаган Худойберди баттар ғазаб отига минди ва Алишерни дўппослай бошлади. Аламидан унинг руҳий соғлом эмаслигини эслатиб, сўйна бошлади.

— Сен жиннисан! Аллақачон ўлиб кетишинг керак эди! — дея қўлидаги вино шишаси билан унинг бошига бир неча бор туширди...

Алишерни ўлдириб қўйганини англаш учун унга анча пайт керак бўлди. Остонада гандираклаганча чайқалиб турган Худойберди қаршида Алишернинг акиси Анвар пайдо бўлгандагина ўзига келди.

— Алишер ўлди! — деди у галати хотиржамлик билан, қўли билан уй ичига ишора қилар экан. Кейин кўчага чиқиб кетди. Х.Холиқов жазодан қутилиб қолиш мақсадида қочиб, далаларни кезиб юрди. Дуч келган ташландик жойларда тундади. Бирок, қотил куда узокқа кетолмади.

Жиноят ишлари бўйича Мирзаобод туман суди Худойберди Холиқовни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми, 223-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топди ва жазоларни қисман қўйиш йўли билан унга 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Содир этилган жиноятни тасодифий ҳолатларга йўвочилар ҳам топилади, албатта. Начора, виждонга таскин бериш учун бундан-да қулайроқ баҳонани топиш мушкул. Бирок, ҳар қандай тасодиф негизда мантиқий қонуният бўлади. Х.Холиқов яшашни фақат маншаддан иборат деб билгани, қонунларни менсимасликка одатлангани фожианинг битта илдизи бўлса, маҳалла фаоллари ва атрофдагиларнинг тайини йўқ чет эллик кимсанинг кўча-кўйда маст-аласт юришлари, қонунга хилоф равишда мамлакатга келиб-қетишга лоқайд муносабатда бўлишлари фожианинг иккинчи, эҳтимолки асосий сабабидир. Шундай экан, лоқайдликча кеч қўйайлик. Хушёр бўлайлик, азизлар!

Кимдир биронта қалтисроқ, оқибати мавҳумроқ хатти-ҳаракатга даъват қилингудек бўлса, "Ака, бу гапингизни қўйинг. Менинг юрагим иккита эмас, биттагина, холос", дея эътироз билдиради. Дарҳақиқат, соғлом фикрни инсонлар турли но-жўя қилмишлардан йироқроқ юраладилар. Тўғри-да, бошлаган ишнинг эртаси кун ишқали чиқиб, бош оғриқ бўлишини ким ҳам ҳоҳлайди?

Халқимизда "Ҳосилини мўл кўрдим, эгасини гўл кўрдим" деган нақл бор. Афсуски, ҳақ-ҳуқуқи бўлмаган жойдан фойда ахтарувчи, ўзига манфаатли бўлган ҳар бир масалада иддоси тап-тайм кимсалар ҳам учраб экан. Таассуфки, бунинг охири пушаймонлиг-у надомат билан тугайди.

Мана, Шеробод туман Давлат солиқ инспекцияси мазмурий амалиёт ишбўяси бош мутахассиси Икромжон Эшмуродов қўлидаги бир тўп ҳужжатларга кўз тикканча, ҳаёл осмонда парвоз қилиб ўтирибди. Стол устида

Қинғир ишнинг оқибати

2009 йил мобайнида туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида аниқланган бир талай маъмурий материаллар таҳлил-таҳлил бўлиб ётибди. "Шошма, Икром, — ҳаёлан ўзи билан ўзи гурунглаша бошлади бош мутахассис, — буларнинг бир қисmini ўзимда олиб қолсам-да, улар судга юборилгани, суд эса жарима қўлагани ҳақида ҳужжат ясаб ташласам. Кейин эса..."

И.Эшмуродов шундай қилди ҳам. Яъни, ҳаёлотни амалиётга айлантирди. Текширишларда аниқланган 73 та маъмурий материалларни судга юборилганлиги ҳамда суд томонидан ҳуқуқбузарларга нисбатан жами 5 млн. 542,8 минг сўмлик жарималар қўлланилганлиги ҳақидаги ҳужжатларни қалбақлаштирди. Мазкур маъмурий материалларни ўзида сақлаб қилиши натижасида улардан 31 тасининг суд-

Собир АЛИЕВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

га юборилиши таъминланмасдан қолди. Энг ачинарлиси, 10 млн. 50,5 минг сўмлик жарималар ҳуқуқбузарлардан давлат фойдасига ундирилмай, ашёвий далил тариқасида олинган 4 млн. 616,6 минг сўмлик товар моддий бойликларнинг сотилмасдан, сақлаб келинишига йўл қўйилди.

Буни қарангки, И.Эшмуродов зиммасидаги вазифасини адо этмасдан, қонунга хилоф тарзда иш туттишни 2010 йилда ҳам давом эттирди. Бу гал 128 та маъмурий материалларни судга юборилганлиги ҳамда суд томонидан ҳуқуқбузарларга нисбатан 12 млн. 684,5 минг сўмлик жарималар қўлланилганлиги ҳақида тақдоран сохта ёзувлар киритган ҳолда, ҳужжатларни

яна қалбақлаштирди. Бу материаллардан 87 тасини ўз вақтида судга юборилишини таъминламай, ўзида сақлаб келди. Натижада 64 млн. 266,7 минг сўмлик жарималар ҳуқуқбузарлардан удирилмасдан қолиб, улардан олинган 10 млн. 812,7 минг сўмлик товар моддий бойликлар сотилмасдан қолиб кетди.

Узининг юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 205-моддаси 2-қисмининг "а" банди ва 209-моддаси 2-қисмининг "а" бандида кўрсатилган жиноятларни қасддан содир этганликда айбли деб топишган Икромжон Эшмуродовга суд томонидан иш ҳақининг 15 фоизи миқдорда давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Жамиятимизда инсон кадрни улугъла-нади. Қонунларимиз ҳам шахсининг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиди. Шунингдек, ҳар қандай жиноятга жазо ҳамиша муқарар. Худдини билмаган ҳар эса мисқоллаб йўққан обрўсидан ҳам, ишониб топширилган лавозимдан ҳам айрилиши турган гап.

Сарлавҳани ўқиб, "деҳқоннинг ҳам сохтаси бўлар эканми?" дейишга шошилманг. Қуйидаги жиноят тафсилютини ўқиб, сохта деҳқон қандай бўлишини билиб олишингиз мумкин.

Юртимиз, хусусан, пойтахтимиз бозорлари кун сайин обод бўлиб бормоқда. Шаҳримиз деҳқон бозорлари миришкор деҳқонларимиз меҳнатининг самараси бўлган сархил неъматлар билан тўлиб-тошган. Барча бозорларда харидорлар ва сотувчилар учун қулайликлар яратиб берилган. Бироқ, ана шундай шароитда ҳам мавжуд савдо фаолияти қоидаларига эид равишда, ноқонуний даромад қириш истигади юрганлар учраб турибди.

СВОЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари" ҳамда Президентимизнинг "Деҳқон

Сохта деҳқон

бозорларида ва савдо комплекслари фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1326-сонли Қарори талабларига риоя этилиши юзасидан Ҳамза тумани ҳудудида жойлашган "Авиасозлар деҳқон бозори" ОАЖ ҳудудида ўтказилган текширув жараёнида фуқаро М.Жўраевнинг савдо фаолияти билан ноқонуний шугулланиб келгани аниқланди.

Текшириш давомида аниқланишича, М.Жўраев бозор маъмуриятига гўё шахсий томоққасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб сотиши ҳақидаги сохта маълумотнома тақдим этиб, 2005 йилнинг май ойидан 2011 йилнинг мартига қадар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси билан шугулланиб келган.

Аслида эса у "Қўйлиқ деҳқон бозори"дан улғуржи нархларда сотиб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини устама нарх

Ф.ОСТОНОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси
бўлими катта суриштирувчиси

қўйиб, сотиб келган экан. Текширув қунига қадар "сохта деҳқон" М.Жўраев 14 млн. 400 минг сўм соф фойда кўрган.

М.Жўраевнинг Бектемир туманида 2 сотиҳли томоққаси бўлиб, унда етиштирилган маҳсулотлар бозорга олиб чиқиб сотишга камлик қилиши маълум бўлган. Шунга қарамай, савдо фаолияти учун патент олишни ўзига эп кўрмаган "деҳқон" маҳалла фуқаролар йиғини масъул қотибаси Е.Ерматованинг "ёрдами" билан ҳақиқий ҳолатга тўғри келмайдиган маълумотнома тайёрлаб, бозор маъмуриятига тақдим қилган экан.

М.Жўраевга жиноят ишлари бўйича Ҳамза тумани суди ҳукми билан жарима жазоси белгиланди.

Қишининг сўнгги кунлари бўлса-да, ҳали совуқ забтига олиб турибди. Ўтган-кетганга алаң-жалаң қилганча, нима қилишини билмай кўча ўртасида жавлараб турган 10-12 ёшлардаги болакайга аввалгига ҳеч ким аҳамият бермади. Ҳамма ўзи билан обора. Биров бозорга, яна биров ишга, бошқаси эса ўз юмушини шошмади. Йўқ, оналик меҳри жўш урғини ё бошқа бир сабабли, ҳайтовур бир аёл йўлдан тўхтаб, болани гапга солиди.

Сўнгги пушаймон...

Шўхрат МАВЛОНОВ,
Бойсун туман прокурори

Бироқ, болакай мунчоқ кўзларини унга қадаганча, ломим демай тураверди. Аёл яна савол берди. Яна ўша ҳолат. Мазмундан бола нафақат уни эшитмасди, балки нима деяётганини умуман тушунмасди ҳам. Бирпасда одамлар тўпланди. Ҳамма ўзича фикр билдира бошлади. Аммо нима қилиш кераклигини ҳеч ким билмасди. Қимдир милицияга хабар беришни айтиб қолди. Шундай қилишди. Кўп ўтмай етиб келиб, вазиятдан хабар топан ички ишлар ходимлари болани ўзлари билан олиб кетишди.

Афсуски, бўлимда ҳам боланинг шахсини аниқлаш имкони бўлмади. Шу билан бирга, унинг ўзини тутиши ҳам нотабиий бўлиб, на гапира олар ва на биров гапни тушунар эди. Бу эса руҳий жиҳатдан носоғлом эканлигидан дарак беради. Бўлимдагилар узоқ ўйлаб ўтирмай, туман ҳокимлиги қошидаги воёга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига мурожаат қилишди. Яқин-атрофдан сўраб-суриштирилар натижа бермагач, болага 1990 йил 16 июнда Ўзун туманида туғилган Ҳамроев Шохруҳ Ахорр ўғли номи билан туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштириб, уни Денов туманида жойлашган махсус шифохонага жойлаштиришди. Шундай қилиб, Шохруҳ махсус шифохонада даволана бошлади. Бироқ, унинг аслида ким эканлиги, исм-фамилияси-ю, ота-онаси ҳақидаги маълумотлар силригича қолаверди.

Апрель ойининг бошларига келиб, Шўрчи туманидаги 68-сонли мактаб-интернати ходимлари шифохонага ташриф буюришгандан кейингича воқеага ойдинлик киритилди. Маълум бўлишича, болакай аслида 1998 йил 12 августда Денов туманида туғилган Боймиров Абдурахмон Абдурашул ўғли бўлиб, ҳақиқатан ҳам руҳий касал экан. Шу пайтгача мактаб-интернат қарамогида бўлгани боис, улар болани қидириб келишган экан. Табиийки, махсус шифохонадагилар бола қандай қилиб бир ўзи кўчага чиқиб кетгани билан қизиқиб қўришди. Мактаб-интернатдагилар шу заҳоти, отаси Абдурашул Турдиевга бир неча бор болани махсус касалхонага жойлаштириш лозимлигини айтишганди, аммо бу ишни ўзим қиламан, дегани учун, ўғлини тилхат орқали унга бериб юборишганини айтиб, болани ўзлари билан олиб кетишди.

Орада ёз ҳам ўтиб, куз бошланди. Шундай кунларнинг бирида мактаб-интернатга кириб келган Абдурашул Турдиев, оталик вазифасини қўнғилдагидек баҳара олмаётгани сабабли ўғлига ўзи қарамоқчи эканлигини, агар эплай олмаса, бу ердгилар айтганидек, махсус касалхонага жойлаштирмас бўлмаслигини айтиб, олиб кетмоқчилигини билдирди. Буни қарангки, мактаб-интернат мутасаддилари бир марта унга ишониб, оғизлари қуйган бўлишига қарамай, болани яна тилхат билан отасига бериб юборишди. унинг келгуси тақдирини билан умуман қизиқшмайди. Ваҳоланки, улар аввало отанинг оилавий шароити билан қизиқишлари лозим эди. Ахир аниқ иш жойи, доимий яшаш учун манзили йўқ, устига-устак, хотини билан ажрашган, руҳий хаста ўғлини ҳам ўзи билан олиб қилиб, ахйир, давлат томонидан бериладиган маблағ эвазига ана шу фарзандини мактаб-интернатга топширган, алимент тўлаб олмаганлиги учун муқаддам уч марта судланган шахсга болани ишониб бўлармиди? Афсуски, улар ана шу ерда яна бир бор лоқайдликка йўл қўйишди. Бу лоқайдликлар эса, пайти келиб дахшатли фожиага сабаб бўлишини ҳаёлларига ҳам келтиришмади.

Хуллас, ота имкон қадар ўғлига ғамхўрлик қилди. Аммо юқорида айтганимиздек, яшаш ҳамда иш жойининг тайини йўқ одам болани эплай олармиди? Бунинг устига, кейинги хотини ҳам ўғайлигига бориб, Абдурахмонни чиқиштирмайди. Ҳам хотинининг хархашасидан, ҳам ҳеч нарсасга тушунмайдиган, "турган-битгани даҳмаза" бўлган ўғлидан безор бўлган ота буларнинг барчасидан бирийўла қутулмоқчи бўлади ва ноябр ойининг охириги кунларининг бирида Абдурахмонни йўловчи автобусга олиб чиқади. Бойсун туманидаги ҳеч ким яшамайдиган адирликлар рўпарасига келгач, машинани тўқатиб тушади-да, ўғлини етаклаганча дала томон йўл олади. Тўрт километрча ичкарига киришгач, болани сойлик ичига ўтказиб, ўзи орқага қайтади. Эндигина 11 ёшга тўлган, атрофда нималар бўлаётганини тушунишга ожиз, на гапира ва на эшита оладиган болакайнинг кимсасиз жойда ёлғиз қолишини бир тасаввур қилиб кўринг-а?!

Ҳеч нарс бўлмагандек, ортига қайтган ота орадан тўрт кун ўтиб, ички ишлар ходимларидан Абдурахмон ўша жойда вафот этганилигини эшитгангича, дод-фарёд қилиб, қилмишидан пушаймон қилади. Афсуски, энди кеч, жуда кеч эди.

Айтмоқчи, мақоламизнинг аввалида Абдурахмоннинг кўча ўртасида нима қилишни билмай турган ҳолатини баён қилган эдик. Суд терговини жараёнида маълум бўлишича, ўшанда ҳам ота бўлимиш ўғлини мактаб-интернатдан олгач, эплай олмай, аҳоли яшайдиган ҳудудда ташлаб кетган экан. Ўшанда яхши одамлар туфайли у муассасага қайта жойлаштирилган эди.

Гарчи суд томонидан ўғлининг бевақф ўлимига сабабчи бўлган ота ҳамда бу ҳолатнинг эци беришга қайсидир маънода шароит яратиб берган мактаб-интернатнинг директори билан шифохона қилмишларига яраша жазога маҳкум этилган бўлсалар-да, уларни, аниқроғи, Абдурашулни энди умрининг охиригача виждон азоби таъбиб этиб юради. Ҳа, тайинланган жазо муддати бир кун келиб, тугайди. У ҳам озодликка чиқади. Аммо виждон азобидан қутула олармикан?!

Узоққа боролмади

Дилмурод БАЙМЕТОВ,
Сергели туман прокурорининг иш
ўрганувчи ёрдамчиси

га чиқди-ю, дуч келган томонга ҳайдади.

Аммо узоққа боролмади. Йўл патрул хизмати ходимлари томонидан тўқтатилди. Уларни автомобил ювиш жойида ишлашини, доимий мижозларидан бири машинани вақтинча бошқариш учун бергани ҳақидаги қўлчакларига ишонтирмоқчи бўлди. Аммо мастилиги кўриниб турган, ҳеч қандай ҳужжат кўрсатолмаган йигитчани туман ИИБ га келтиришди.

Дастлабки суриштирув ва тергов давомида Александр Шадрин автомобил ўғирлашдан олдин яна бир жиноятга қўл ургани аниқланди. Тенгқурлари билан одатдаги пивохўрлик пайтида у таниши И.Срашевнинг чўнтагидан "Нокия 6700" маркали қўл телефони билдирмасдан ўғирлаб олган ва пуллаб юборган экан.

Судда у қилмишларига тўлиқ иқдор бўлиб, пушаймонлигини билдирди.

Жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг ҳукми билан Александр Шадрин қилмишига яраша жазосини олди. Касб-хунар коллежининг иккинчи курсида ўқийдиган бу йигитчани бемаҳалда дарбадар юришлардан қайтариши керак бўлган катталарнинг лоқайдлиги шундай оқибатга олиб келди.

Ўсимирлик инсон ҳаётининг шундай бир даврики, бу ёшда уни тўғри йўлга йўнаштириб туриш, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун кўмак бериш талаб этилади. Агар ўсимир назоратдан четда қолса, катта аволда вақиллари эътиборсизликка йўл қўйса, бу ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунини ҳақиқатан ҳам кўришимиз мумкин.

Кун бўйи қаерлардадир санғиб юрган Александр уйига қайтаётган пайтда тунги соат икки ярим эди. Сергели-4 мавзидан қўп қаватли уйлар оралаб келаётган Александрнинг эътиборини 25-уй олдида турган "Ваз-2106" русумли автомашини тортиди. Анчадан буён шундай машина эгаси бўлишни орзу қилиб юргани сабаб, тўхтаб автомашинани обдон томоша қилди. Аввалроқ ичиган пиво таъсирини кўрсатмай қолмади: унда автомашинани ўғирлаш фикри туғилди. Эҳтиётдан чор-атрофга кўз ташлади. Тун ярмидан оққан бўлса, бу пайтда кўчада ким ҳам бўлиши мумкин? Машина гилдиракларига тепиб кўрди — сигналзация ўрнатилмаган. Амаллаб эшигини очди. Сўнг чўнтагидидаги қалитлар билан машинани ўл олдиришга уриниб кўрган эди, натижа берди. Машинани бошқариб катта кўча-

Пенсия ёшига етмай...

Яқинда Департаментнинг Ангор туман бўлими ходимлари томонидан туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимининг алоқа хати ҳамда олинган тезкор маълумотларга асосан бўлимда фуқароларга пенсия тайинлашининг аҳволи ўрганиб чиқилганда бир қатор қонуنبўзилиши ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, "Гилам-боб" маҳалласида яшовчи фуқаро К.Жўраева туман ИИБ ХЧК ва ФБ бўлимида ходимлари билан ўзаро тил бириктириб, туман ички ишлар бўлими томонидан 2008 йил 13 мартда берилган CS 1701636 рақамли паспорт ва 1978 йилда "Октябрь 50 йиллиги" колхозини томонидан берилган меҳнат дафтарчасида фўрсатилган туғилган йилни 1963 йил ўрнига 1953 йил деб ўзгартиради ва ҳужжатларини туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этади. Ушбу ҳужжатлар асосида унга ёшга доир пенсия тайинланади ва 740 минг 423 сўм пул ноқонуний тарзда тўланади. Оқибатдан шунча сўмлик бюджет маблағлари талон-тороғ қилинади.

1962 йил 16 январда Жарқўргон туманида туғилди, Ангор тумани "Зартепа" маҳалласида

яшаб келган фуқаро А.Қараева бўлса, Ангор тумани ИИБ томонидан 2007 йил 14 июнда берилган CS 1576405 рақамли фуқаролик паспорти ва меҳнат дафтарчасидаги туғилган йилни 1957 йил 16 январь деб ўзгартиради ва ёшга доир пенсия қилиш мақсадида Ангор туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этади. 2009 йил 2 сентябрь куниндаги қарор билан унга умрбод ёшга доир пенсия тайинланган. Натижада 2011 йил апрель ойига қадар унга жами 1 млн. 575 минг сўм пул пенсия сифатида тўланади.

Фуқаро Д.Маматқурбонов эса юқорида исм-фамилиялари қайд этилган ҳамюртларидан анча олдин "отни қамчилиган" экан. Буни қарангки, аслида 1946 йил 26 июнда Термиз туманида туғилган Д.Маматқурбонов ҳам Ангор тумани ИИБ томонидан 1995 йил 16 октябр-

Р.ТУРСУНКУЛОВ

СВОЖДЛҚК Департаментининг
Сурхондарё вилоят бошқармаси
Матбуот гуруҳи катта
инспектори

да берилган CS 001774 рақамли фуқаролик паспортидаги ва меҳнат дафтарчасидаги туғилган йилни 1941 йил 26 июль деб бемалол ўзгартирган экан. Қалбақлаштирилган ҳужжатларни Ангор туман ижтимоий таъминот бўлимига топширган, 1999 йил 26 июнда унга умрбод ёшга доир пенсия тайинланади. Вақтидан анча илгари "нафақага чиққан" Д.Маматқурбонов 2011 йил апрель ойига қадар унга жами 10 млн. 456 минг сўм пул пенсия сифатида олиб, давлат бюджетига шунча миқдорда зарар етказди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Департаментнинг Ангор туман бўлими томонидан фуқаролар К.Жўраева, Д.Маматқурбонов ва В.Қараеваларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли чоралар кўрилади.

Ахборот ва компьютер технологиялари соҳасидаги жиноятлар унга қарши курашда миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари

Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда юз бераётган улкан ўзгаришларни ижтимоий ҳаётимиздаги ахборот технологиялари соҳасидаги динамика фаол ўзгаришларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Президентимиз Ислам Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда интернет ва унинг оммавийлашувига тўхталиб, шундай деган эди: "Аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти кенгайиб бораётганини албатта ижобий баҳолаш лозим. 2010 йилда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,4 баробар кўпайди ва 6,6 миллион кишидан ошди. Айни вақтда интернет хизматини кўрсатиш тарифларини босқичма-босқич камайтириб бориш ҳисобида ундан фойдаланувчилар учун шароитлар тобора яхшиланмоқда. Хусусан, 2010 йилда бу борадаги тарифлар 20 фоизга пасайтирилганини алоҳида қайд этиш керак". Албатта, бундай ижобий ютуқлар аҳолига ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий, кенг қўламли чоратadbирлар самарасидир. Компьютерлаштириш ва компьютер технологияси соҳалари ўзининг жамият учун фаол ижобий хусусиятлари билан биргаликда, ҳаётимизда янгидан-янги ҳуқуққа хилоф фаолият турларини келтириб чиқарди, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига янги турдаги жиноятга қарши курашиш масъулиятини ҳам юкледи.

Компьютер техникаси ёрдамида содир этиладиган жиноятлар ичида иқтисодий соҳада турли жиноят шаклларининг вужудга келганлиги диққатга сазовордир. Ўрганишлар натижасида шунга амин бўлдики, компьютер технологиялари воситасида содир этиладиган жиноятларнинг аксариятини ўғирлик (ЖК 169-модда), фирибгарлик (ЖК 168-модда), ўзлаштириш ёки расстрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-модда) ташкил этади.

Мазкур жиноятларни умуий бир хусусият ва белги бирлаштириб туради. Жумладан, ушбу жиноятлар фақатгина компьютер технологиялари асосида содир этилиб, бир объект атрофида бирлашган

бўлади. Жиноят содир этиш қуроли ва воситалари ҳам деярли бир хил бўлиб, жиноятчининг шахси ҳам профессионал сифатлари билан ажралиб туради. Бундай жиноятларни содир этиш учун юқори даражадаги компьютер технологиялари соҳасидаги билим ва малака талаб қилинади.

Ўрганилган тадқиқот натижалари компьютер технологиялари воситасида содир этиладиган жиноятларнинг 70 фоизда компьютердан ўзгарадиган мулкка таъовуз қилишнинг воситаси сифатида фойдаланишни кўрсатмоқда. Бу каби ижтимоий хавфли қилмишлар унга қарши самарали кураш чораларини излаш ва шунга мувофиқ жиноят қонунини такомиллаштириш ва чуқур таҳлил қилиш талабини қўяди. Шунинг билан ўтиш лозимки, амалдаги компьютер техникаси воситасидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкни талон-торож қилишга қарши жазо чоралари тартибга солишга қаратилган жиноят қонунини нормалари бугунги кун талабларига жавоб берайди.

Компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жинояти талон-торож қилишнинг замонавий шакли бўлиб, энг аввало, тадбиркорлик ҳамда ҳўжалик фаолияти соҳаларида компьютер технологияларидан кенг фойдалана бошлангачи билан чамбарс боғлиқдир.

Лекин, миллий жиноят кодексида махсус компьютер технологиялари воситасида содир этиладиган талончилик жиноятлари учун жавобгарлик ўрнатувчи махсус модда мавжуд эмас. Бу ҳолат яқин кўшни давлатлар ва Россия федерацияси қонунчилигига ҳам тегишли. Бундан фарқли равишда, ГФР ва АҚШ қонунчилигида шу тоифадаги ижтимоий хавфли қилмишларни тартибга солишга қаратилган махсус нормалар ўрнатилган.

Лекин, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида компьютер фирибгарлиги тушунчаси мавжуд бўлмаса-да, мазкур тушунча илмий адабиётларда кенг тарқалган бўлиб, у асосан банк ҳисоб варақларини бузиш, кредит молия тизимларида компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жиноятларни содир этиш усули сифатида эътироф этилади.

Шу боис, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жинояти содир

этилиш усуллариға кўра хилма-хил бўлиб, мазкур жиноятларни тўғри квалификация қилиш учун компьютер технологиялари соҳасидаги жиноятлар тушунчасини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Бундай жиноятларни содир этиш ўз навбатида жуда катта тайёргарлик ва жиноят режасининг аниқ ишлаб чиқилишини талаб қилади. Бу ўринда жиноятчининг жиноятга тайёргарлик қўриш жараёни уни жиноят содир этиладиган банк ёки ташкилот фаолиятидан қанчалик хабардор эканлигига ҳам боғлиқ. Бизнингча, бундай ҳолатларда жиноятни содир этишнинг объектив томони белгиларига эътибор қаратиш лозим бўлади. Агар жиноят банк ёки ташкилотнинг масъул шахси томонидан содир этилса ёки ишониб топширилган шахсининг ҳаракатларидан иборат бўлса, ЖКнинг 167-моддаси ёки 168-моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Агар жиноят банк ёки ташкилотга умуман алоқаси бўлмаган шахс томонидан банк дастурий таъминоти паролини аниқлаш ёхуд бузиш оқибатида амалга оширилган тадбирда қилмишни ўғирлик деб тавсифлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айрим олимлар мазкур ҳолатларни ҳеч қандай эътирозсиз фирибгарлик, деб тавсифлаш лозимлигини ўқтиришади. Лекин, бу қараш ҳам ўз навбатида мунозарарга сабаб бўлиши мумкин.

Б.Завидовнинг фикрича, бундай ҳолатларда алдов биринчи навбатдаги белгига айланади. У алдовнинг мазмунини айбдорнинг компьютер дастурларини онгли равишда нотўғри расмийлаштириши, рухсатсиз маълумотлар жараёнига таъсир қилиши, банк маълумотларидан нотўғри фойдаланиши, ўзгалар мулкни қўлга киритиш мақсадида нуқсонли ва бузилган дастурларни қўлланилишида деб изохлашга ҳаракат қилади. Лекин, бу ҳаракатларни алдов деб эътироф этиш мумкинми? Бу ҳаракатларни содир этиш вақтида айбдор мулкни йўқолишидан зарар кўрган жабрланувчини эмас, балки компьютер, компьютер тизимини алдашга уринади, улар билан муносабатларга киришади. Агар шундай бўлса, айбдор талон-торож қилиш жараёнида қандай алдов турини қўллайдми? Бу жараёнда айбдор фаол алдов турини амалга ошириши мумкин. Лекин, бу ўринда ҳам айбдор компьютер воситаларига ҳеч қандай алдов қаратилган маълумот-

ларни тақдим этмайди. Бу вақтга қадар маълумот ўша компьютер базасида сақланаётган бўлади, айбдор уни маълум даражада ўзгартиради, холос. Шундан сўнг, ўзининг жиноий ниятини амалга оширишнинг сўнгги босқичидагина айбдор пул маблағларини ўз ҳисоб варақларига ўтказиш вақтида банк операцияларини амалга оширувчи аниқ бир шахс (кассир, банк операциялари бўйича масъул ходим ва бошқалар) билан алоқага киришади.

Аммо, бу жараёнда ҳам барча ҳаракатлар яширин равишда содир этилади. Пул маблағларини ўтказиш вақтида иштирок этган банк ходимлари ҳам бу ҳаракатлар қонун ҳилофи равишда содир этилаётганлигини тасаввур ҳам қилишмайди. Бундан ташқари, жиноят содир этиш босқичида айбдор банк ходимларига нотўғри маълумотларни тақдим этмайди. У фақатгина худди ўша банкнинг мижози сифатида ўзига тегишли пул маблағини нақд пул шаклида олади ёки бошқа ҳисоб вараққа кўчиради.

Ушбу ҳолатлар бизга мазкур тоифадаги жиноятларни айлан ҳолатларда ўғирлик ва фирибгарлик сифатидаги жиноятлар тариксида квалификация қилиш лозимлигини англатади.

Ушбу ҳолатларда яна бир қарши фикр юзга келиши мумкин. Яъни, айрим ҳолатларда бу каби фирибгарлик операцияларини амалга ошириш вақтида айбдор қилмишни содир этиш учун сохта ҳужжатларни тақдим этиши, бу ҳужжатлар фирибгарлик жиноятини содир этиш воситаси ёки қуроли бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шу сабабли, бундай ҳолатларда қилмишни фирибгарлик сифатида квалификация қилиш талаб қилинади.

Агар талон-торож қилиш жинояти ҳеч қандай банк ёки кредит ташкилотларининг ходимлари билан тўғридан-тўғри алоқага киришмасдан содир этилган бўлса, қилмиш яширин амалга оширилганлиги белгисидан келиб чиққан ҳолда, ўғирлик деб квалификация қилиш лозим.

Олимлар орасида ҳам компьютер техникаси воситасидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятларини квалификация қилишда ҳам бир хил ёндашув

Улғубек МАМАДЖАНОВ,
Бош прокуратуранинг
ОЎҚ етакчи мутахассиси

мавжуд эмас. Бу энг аввало, компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш вақтида фирибгарлик ёки ўғирлик аломатлари мавжудлигини белгилаш билан боғлиқ. Бу тоифадаги жиноятларда мулк эгаси унга нисбатан айбдор компьютер воситасида қилган ҳаракатлари натижасида, ўз ихтиёрига кўра, жиноятчиға мулкни тақдим этади. Бу шаклда алдов бир қарашда фирибгарликда назарда тутилган алдовдан катта фарқ қилади. Чунки, алдов бе-восита мулк эгасига нисбатан эмас, балки компьютер базаси ёки унинг операцияларини амалга оширишга нисбатан содир этилади. Бу эса, содир этилган алдовнинг восита шаклида қўлланилганлигини ва бе-восита жиноятни содир этишга қаратилганлигини келтириб чиқаради.

Компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, ўзгалар мулкни талон-торож қилишнинг моҳияти шундаки, айбдор компьютер тизимидаги автоматик ўзгарувчан маълумотларни модификация қилиш натижасида мулк билан боғлиқ маълумотларда тегишли ўзгаришлар юз беради, бу эса мулкка бўлган эғалик ҳуқуқи ўзгаришини, яъни айбдор хоҳлаган шахсга бошқа мулкдорга тегишли мол-мулкка эғалик қилиш ҳуқуқининг ўтишини англатади.

Шуларни инобатга олган ҳолда ҳамда Жиноят кодексидаги компьютер техникаси воситасида ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятларини квалификация қилишдаги муаммоларни бартараф қилиш мақсадида ЖКга "компьютер тизимидаги маълумотларнинг автоматик қайта ишланганини модификация қилиш орқали ўзгалар мулкка бўлган ҳуқуқни қўлга киритганлик" учун алоҳида жиноий жавобгарлик киритилиши лозим. Бу норма телефон, Интернет ва бошқа банк операцияларини амалга оширувчи воситалар орқали ўзгалар мулкни талон-торож қилишга қаратилган ҳар қандай ихтимоий хавфли қилмишларга нисбатан жиноий жавобгарликни қамраб олади.

"KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Наманган вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни боқариш давлат қўмитаси Наманган вилоят худудий бошқармаси билан ҳамкорликда 2012 йил 18 январь куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйдаги мулклар тақдоран қўйилмоқда:

1. Чуст туман ҳокимлиги балансидаги "Гова" ҚФЙ худудига жойлашган "Клуб" биноси (умумий ер майдони — 483,65 кв. метр, бино-иншоотлар қурилиш ости майдони — 483,65 кв. метр). **Бошланғич баҳоси — 29 900 000 сўм.**

2. Янгиқўрғон тумани, "Шарқ юлдузи" ҚФЙ худудидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эғалик қилиш учун, сотиш ҳуқуқсиз, яқка тартибда уй-жой қуриш учун, саҳти 400 кв. метрдан иборат 1, 2, 3, 4, 5, ва 6-сонли 6 та ер майдони. **Хар бирининг бошланғич баҳоси — 54 720 сўмдан.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадиги талабгорлар савдо ташкилотчисиға қуйдаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. — кўрсатилган мулкни сотиб олиш

учун ариза;

— харидорнинг ҳуқуқий ҳужжатларидан 2 донна нусха;

— савдо ташкилотчисининг АТИБ "Ипотекабанк" Наманган бўлимидаги МФО 00223, СТИР 207122519, 20208000104920609015 ҳисоб-рақамиға мулкнинг 15 фоизидан (ер майдонлари бўйича 50 фоизидан) кам бўлмаган миқдорда зақалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати-нинг нусхаси.

Аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш

ва байрам кунларидан ташқари) соат 9:00дан 18:00га қадар "KMSX" МЧЖ Наманган вилоят филиалида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Ушбу кунда сотилмай қолган мулкларнинг такрорий савдоси 2012 йил 2, 17 февраль ва 6 март кунлари соат 11:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уйнинг 4-қавати.

Телефонлар: (8-369) 226-27-01, 226-54-47. **Лицензия:** RR-0001.

«Реал» 20 сониядаёқ ҳисобни очди-ю...


Ҳар гал "Эл классико" олдидан турли фикрлар, башоратлар ва баҳс-мунозаралар бошланиб кетади. Бутун дунё ишқибозлари "Реал"-"Барса" учрашувларини интиқлик билан кутишади ва иккига бўлинишади. Дунёдаги 6 та қитъада ҳам бу икки буюк жамоанинг муҳлислари топилади. Шунинг учун ҳам улар ўртасидаги тўқнашувлар доимо муҳлисларнинг диққат марказида бўлиб келган. Хатто бир оилада, бир телевизор қаршида ўтирган ота ва ўғилдан бири "кироллик клуби"га, иккинчиси эса каталонияликларга муҳлислик қилиши мумкин. Шундай экан, бу ўйин қандай натижа билан якунланмасин, бир оилада икки хил кайфият ҳукмронлик қилиши мумкин.

"Интрига"лар бой бундай ўйинларни томоша қилмай, ўтказиб юбориш мумкин эмас. Жорий йилнинг 10 декабрь оқшомида, Тоскент вақти билан 01:55га тўғри келган "Реал" Мадрид - "Барселона" учрашувини миллионлаб ўзбекистонлик муҳлислар тунни бедор ўтказса-да, зўр иштиёқ билан томоша қилгани аниқ.

Айтиш кераки, ўйин қутилмаган тарзда бошланди. Валдеснинг хатосидан кейин Бензема 20-сонияда ҳисобни очди. Бу гол барча "Эл классико"лар тарихида киритилган энг тезкор гол экан. Шундан сўнг, кўпчилик "Реал"нинг галабасини тахмин эта бошлаган эди. Бироқ учрашувнинг учдан бир қисми ортада қолаётган бир паллада Санчес ҳисобни тенглаштирди. Биринчи бўлимда ҳисоб бошқа ўзгармади. Иккинчи бўлимда Хавининг йўллаган зарбаси Марселога тегиб, голга айлангандан кейин "Реал"нинг ўйинидаги шиддат бир мунча пасайди. Фабрегаснинг орадан чамаси ўн дақиқа ўтиб урган голидан кейин эса мезбонларнинг ўйини бутунлай пароканда бўла бошлади. "Барса" эса аксинча, ўйин тизгинини бутунлай ўз қўлига олган эди. Шундай қилиб, "Реал" навбатдаги марта "Эл классико"да мағлубиятга учради. Шу тариқа Гардиола шогирдлари яна бир бор марта дунёнинг ҳозирги кунда энг кучли жамоаси эканиликларини исботлашди.

"Реал" Мадрид — "Барселона" — 1:3 (1:1, 0:2)
Голлар: 1:0 — Бензема (1), 1:1 — Санчес (30), 1:2 — Хави (53), 1:3 — Фабрегас (66).

Это'О хайрли ишга қўл урди



"Анжи" клуби ҳужумчиси Самуэль Это'О айни вақтда ватани бўлиши Камерунда таътилни ўтказмоқда. Тажрибали ҳужумчи ота-онаси туғилиб ўсган шаҳар бўлими Нгамбе ҳокимиятига янги касалхона

на қурилиши учун 80 миллион африка франки топширди. Бу маблағ тахминан 120 минг евро ни ташкил қилади. Ушбу маблағ янги касалхона қурилишига ишлатилади. Камерун терма жамоаси ва "Анжи" клуби ҳужумчиси яна 400 миллион франк маблағни яқин вақтлар ичида етказиб беришни ваъда қилган. Бу маблағ 610 минг евро ни ташкил қилади. Самуэль Это'Онинг бу хайрия ишини ташкил қилишдан мақсади, маҳаллий аҳолига жуда ҳам зарур бўлган касалхона қурилиши заруриятидан келиб чиққанини таъкидлади. Нгамбега энг яқин касалхона Дуала шаҳрида жойлашган бўлиб, орадаги масофа тахминан 100 километр ни ташкил этади. Самуэль Это'О шу тариқа ватандошларининг оғирини енгил қилишни ният қилган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Самарқанд вилоят прокуровори Бахтиёр Нурмухамедовга падари бузруквор

Ғаффор отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ташкент шаҳар прокуратураси жамоаси Бектемир туман прокуровори Ёрдамчиси Урмон Эшонхоновга падари бузруквор

Маҳмуд отанинг

вафот этганлиги муносабати чуқур таъзия изҳор этади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOVA, Muxtor ZOIROV,
Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy GOIPOV,
Svetlana ORTQOVA,
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftanang payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yomalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-3438. 48 628 nuxxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahilalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G. ALIMOV
Musahhihi: M. QAMBAROV
Navbatchi: O. DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

ISSN 2020-7937

12-01-2011 11:00:00

«Нефтчи» тайёргарликни бошлади



Хабарингиз бор, Осиё чемпионлар лигасининг саралаш босқичига ташланган қуръа натижасига кўра, Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси саралашнинг 2-босқичида ҳамюртимиз Азиз Ҳайдаров тўп сураётган БААнинг «Аш-Шабоб» клуби билан ўйнайдиган бўлган эди. Дастлабки учрашув «Аш-Шабоб» майдонида 2012 йилнинг 18 февраль кuni бўлиб ўтди. Сарқисян шогирдлари ушбу жамоадан ўта олишса, ОЧЛнинг "D" гуруҳидан ўрин эгаллашади. Акс ҳолда, «Нефтчи» ўз юришини ОФК кубогига давом эттиради.

Ўз олдига жиддий мақсадларни қўйган «Нефтчи» жамоаси биринчилардан бўлиб янги мавсумга тайёргарликни бошлаб юборди. Маълумотларга қараганда, жамоа 50 нафарга яқин футболчилар билан машғул ўтказаяпти. Фарғона шах-

рида бўлиб ўтаётган машғулотларда асосан маҳаллий футболчилар қатнашмоқда. Хозирча Павел Смоляченко ва Ислам Тўхтажўаев жамоа машғулотларида иштирок этишмапти. Юрий Сарқисян уларга яна бироз дам беришга

қарор қилган. Жамоа таркибида янгилардан Темур Исломовни қўришимиз мумкин. 2008-2009 йилги мавсумда «Нефтчи» шарафини ҳимоя қилган бу футболчи, жорий мавсумни «Сўдиёна» таркибида ўтказган эди.

Мавсумнинг энг ёмон футболчиси



Футбол оламида энг яхшилар қаторида энг ёмон футболчиларга ҳам алоҳида совринлар таъсис этилган. Кун кеча ана шундай соврин ўз эгасини топди. Миланининг «Интер» клуби ҳужумчиси Диего Милито «Олтин ахлат челаги» совринига муносиб кўрилди. Ушбу соврин Италия чемпионатидаги мавсумнинг энг ёмон футболчисига йилга бир марта берилади. Бу танлов Rai Radio 2 га тегишли бўлган Catersport дастури орқали ўтказиб келинади. Ушбу танловга кўра, аргентиналик футболчи 3099 та овоз олишга муваффақ бўлган. Иккинчи ўринда бораётган «Ювентус» клуби ҳужумчиси Амаури 2991 та овоз тўплаган бўлса, учинчи ўринни эгаллаган унинг жамоадoshi Милош Красич 2180 та овозга эга бўлган.


Эслашиб ўтамиз, Диего Милито бу йилги мавсумда «Интер» таркибида тўққиз марта майдонга тушган ва учта гол киритишга муваффақ бўлган. Аргентиналик футболчи сўнгги марта сентябрь ойининг охирида ракиб дарвозасини ишғол қилган.

Яна ўша Балотелли

Ёш ва иқтидорли ҳужумчи Марио Балотелли ўзининг «хурмача» қилиқлари билан тез-тез оммавий ахборот воситаларини ўзига жалб қилишни одат қилиб олган. У «Интер» жамоаси таркибида ўйнаб юрган вақтидаёқ, галати одатлари билан анчагина машҳур бўлиб улгурган эди. Бунчи қарангки, «Манчестер сити» таркибига келиб қўшилганидан сўнг ҳам унинг феъли ўзгармади. Баъзан клуб тарбияланувчиларининг, баъзан эса кўшнилариининг жигига тегадди. Бу сафар клуб ички қоидаларига хилоф равишда, муҳим учрашувга 48 соат қолган бир вақтда кун тартибининг бузган Марио эндиликда бу қилмиши учун жаримага тортилиши мумкин.



Анелка Хитойда



Николя Анелка билан шартнома имзолашга муваффақ бўлганлар. Маълум бўлишича, Анелка энди икки йил давомида «Шанхай Шеньхуа» жамоаси шарафини ҳимоя қилар экан. Маълумотлар кўра, Николя Анелка йилга 10,6 миллион евро олиши кўзда тутилган. Январ ойида тажрибали футболчининг янги клуб сафига ўтиши қутулмоқда.

Яна бир маълумот: «Шанхай Шеньхуа» клуби фақат бу билан қаноатланмай, «Челси»нинг яна бир ҳужумчиси Дидье Дрогбага ҳам қизиқиш билдирмоқда. «Sky Sports» томонидан хабар берилишича, музокаралар икки ҳафта олдин бошланган. Келишув ҳақида хали ҳеч нарса аниқ эмас.

Анрига ҳайкал қўйилди



«Арсенал» жамоасида узок йиллар давомида тўп сурган франциялик ҳужумчи Тьерри Анри ўзига қўйилган ҳайкалнинг очилиш маросимида кўз ёшларини тия олмади. «Арсенал» жамоасининг 125 йиллик юбилейини нишонлаш вақтида жамоа ҳаётида ўчмас из қолдирган уч нафар инсонга «Эмирейтс» стадиони олдида ҳайкал ўрнатилди. Булар — жамоанинг собиқ бош мураббийи Герберт Чепмен, жамоанинг собиқ сардори Тони Адамс ва лондонликлар сафида кўп йиллар тўп сурган истеъдодли ҳужумчи Тьерри Анри.

«Мен қамдан-кам ҳолларда ҳиссиётларимни бошқара олмай қоламан. Бу клубни қанчалик яхши қўришимни барча билади. «Арсенал» жамоасида тўп сурганимдан фахрланаман», дейди Анри кўз ёшларини артиб.

Спорт хабарларини **Максудали ҚАМБАРОВ** тайёрлади